O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 11-noyabr, 2009-yil ● №47 (648) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

«БАХТЛИ АЁЛ ДЕСА ҲАҚЛИ ХАЛОЙИҚ»



Бу аёлда Шарқ аёлларига хос бўлган ажойиб бир хислат бор. Бу — истеъдоди қанчалик ёрқин бўлмасин, ўзини оиласиз бекаму-кўст ҳисоблай олмайдиган аёл феълидир. Шоҳида Шоҳимардонованинг турмуш қуришига ўзбек халқининг машҳур аёлларидан бири шоира Зулфия сабаб бўлди.

⇨ 5-бет

ЮРТ КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОРЛИК

Қарши давлат университетида ҳам ёшларга пухта билим бериш, уларни ҳар томонлама мукаммал тарзда вояга етказиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Буни дорилфунуннинг ўтган йиллар мобайнида таълим соҳасида амалга оширган самарали лойиҳалари ҳам тасдиқлаб турибди.



⇨ 6-бет

ЗАНГИОТА ЗИЁРАТГОҲИНИНГ СИРИ

Дунёда умри сир-синоатлар билан ўтган, ҳар бир дақиқаси афсоналарга, ривоятларга менгзаладиган шундай инсонлар борки, уларнинг таржимаи ҳолини таваллуд санасидан бошлаш камлик қилади. Ислом оламида машҳур валий ва кароматгўй инсон Зангиота Ҳимматий ҳам ана шундай зотлардан ҳисобланади.



⇨ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ *30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига уларнинг 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этиб, улкан меҳнат зафарини қўлга киритганлари муносабати билан табрик хати йўллади. Унда жумладан: **"Сиз, моҳир пахтакорларимизнинг мақсад сари ана шундай тинимсиз интилиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, энг муҳими, ўз кучингизга бўлган ишонч, мустаҳкам ирода ҳисобидан барча синовларни енгиб, улкан ғалабага эришганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир"**, деган самимий сўзлар билдирилган.*

■ **Яқинда "Маънавият" нашриёти томонидан "Президентга мактублар" китобининг II жилди нашр этилди. Ундан 2005-2009 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбобларидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан намуналар ўрин олган.**

■ *31 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.*

■ **2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.**

Муҳокама давомида баён этилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилдилар.

ТИББИЁТ

САВОБЛИ, ЖАСОРАТЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ



Шифокорлик — жасорат. Бу касб фидойиликни, қалб ва фикр софлигини талаб қилади, деган эди файласуфлардан бири. Чиндан ҳам шундай жасоратни юрагига жо қила олган инсонгина беморларнинг дардига даво бермоқнинг уддасидан чиқади. Юртимизда эса ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган бундай касб эгалари жуда кўп. Уларнинг меҳнати ва изланишлари эса ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Инчунин, истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганига барчамиз гувоҳмиз. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармонига биноан мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши тизимда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим асос бўлди.

Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоят, шаҳар ва туманлардаги филиаллари ташкил этилгани, "Она ва бола" скрининг марказининг пойтахтимизда ҳамда жойларда фаолият кўрсатаётгани, энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланган касалхоналарнинг ишга туширилиши, замонавий қишлоқ врачлик пунктларининг аҳолига замон талаблари даражасида хизмат кўрсатаётгани фикримизнинг далилидир.

Одатда бирор бир соҳа фаолияти таҳлили жараёнида рақамларга мурожаат қилиш мавзуни тўлароқ ёритишга хизмат қилади, албатта. Келинг, шу ўринда соғлиқни сақлаш тизимидаги айрим рақамларга ҳам тўхталиб ўтсак.

Маълумотларга кўра, бугун юртимизнинг чекка ҳудудларида 3164 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Ўтаётган йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилингани муносабати билан олис қишлоқларда яшовчи аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, бу ерда замонавий тиббиёт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш каби эзгу мақсад йўлида бир қанча ишлар амалга оширилди. Мисол учун, шу йилнинг ўзида қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник ҳолати қайта кўриб чиқилди ва катта ҳажмдаги капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Қолаверса, 87 та шифохона, 2315 та қишлоқ врачлик пункти қўшимча жиҳозланди. Қисқа фурсат ичида уларнинг қошида замонавий ва ҳар жиҳатдан қулай бўлган 150 тага яқин дорихона филиаллари ташкил этилди.

Шу ўринда фармацевтика ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Чиндан ҳам мустақиллик йилларида тиббиёт билан бирга фармацевтика соҳасига ҳам бирдек эътибор берилгани айни муддао бўлди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Истиқлолга қадар юртимизда бор-йўғи 2 та дори воситалари тайёрлайдиган корхона мавжуд бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 100 дан ошди. Фармацевтика корхоналарида тайёрланаётган дори турлари эса йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда бирор дори маҳсулоти зарур бўлса, уни нафақат пойтахтимиздаги дорихоналардан, балки узоқ туман ва қишлоқлардан ҳам бемалол топиш мумкин.

Дард ҳақида умуман ўйламаслик ёки камроқ ўйлаш керак, деган ҳикмат бор. Лекин хасталик шундай тасодифки, у кутилмаган пайтларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай дамларда жонимизга оро кирувчи беминнат хизмат тури борки, уни шошилинч тиббий ёрдам ходимлари адо этишади.

(Давоми 2-бетда.)



ОБУНА – 2010

Қадрли юртдошлар!

Келгуси йил учун обуна давом этмоқда. Албатта, "Hurriyat"ни 2010 йил давомида ҳам мунтазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишингизга шубҳа қилмаймиз.

Ўз навбатида Сиз азиз газетхонларнинг фикрингизни билмоқчи эдик:

— Қайси мавзулар эътиборимиздан четда қолаяпти?

— Кўпроқ нималар хусусида ўқишни истайсиз?

Бизга ёзиб юборинг. Фикр-мулоҳазаларингиз, тавсия ва таклифларингиз фаолиятимиз мезонини белгилайди.

Унутманг, "Hurriyat" — сизнинг минбарингиз!

Эслатиб ўтамиз: "Hurriyat"нинг нашр индекси — 233



ДУНЁ СИЁСАТИ

Экспертлар хулосаси



Шу йилнинг 4 сентябрь куни Афғонистонда иккита бензин ташувчи машина билан содир бўлган можарони ўрганиб чиққан НАТО экспертлари ҳарбийлар тўғри иш қилишган, деган хулосага келдилар.

Ўшанда толиблар томонидан ўғирланган иккита ёнилғи тўла машинани Германия ҳарбийлари йўлда ҳаводан ҳужум қилиб портлатиб юборган, натижада бир неча тинч аҳоли вакиллари ҳам ҳаётдан кўз юмган эди. Шундан сўнг бу можаро халқаро жанжалга айланиб кетди.

Экспертларнинг хулосасига кўра, воқеа кечаси содир бўлган. Машиналарга авиабомба ташлашга буйруқ берган зобит кечаси қишлоқ четида тўхтаб турган машина яқинида тинч аҳоли борганини билмаслиги табиий. Шунинг учун машиналар портлатиб юборилган бўлиши мумкин.

Матбуот хабарларига қарағанда ўша куни неча киши ҳалок бўлгани ҳозиргача аниқ эмас. Айрим манбаларда 17 нафар деб кўрсатилса, бошқаларида бу рақам анча зиёдроқ ҳолда ёзилмоқда.

(Дунё хабарларига оид материалларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

НАШР

САЙЛОВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Хабарингиз бор, жорий йил 27 декабрда мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар ўтказилади. Ушбу сиёсий тадбирни ҳар томонлама яхши ўтказиш учун айни кунларда бутун республикамизда ишлар қизғин олиб борилмоқда.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллигимизнинг ўтган йиллари давомида демократия талабларига тўлиқ жавоб берадиган сайлов тизимига асос солинди. Сиёсий партиялар, фуқароларимизнинг сайлов жараёнида фаол, эркин қатнашишларини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди ва сайлов ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатлари қатъий таъминланди. Энг асосийси, ватандошларимизнинг фуқаролик масъулияти, сиёсий, ижтимоий фаоллиги ошди, атрофида кечаётган воқеаларга муносабати кескин ўзгарди. Шу ўринда бир мисолни айтиб ўтиш жоиз. 2004 йилда бўлиб ўтган парламент сайловида мамлакатимизнинг 85,1 фоиз сайловчилари қатнашган бўлса, 2007 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида эса юртимиз аҳолисининг 90,6 фоиз фуқароси иштирок этди. Мазкур кўрсаткичлар халқимизнинг фуқаролик позицияси мустаҳкамланиб, сиёсий савияси йилдан-йилга юксалиб бораётганидан далолатдир. Албатта, бу натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлавермайди. Одамларнинг сиёсий фаоллигини оширишда матбуотнинг, соҳага оид китобларнинг, хусусан, ихтисослашган ахборотномаларнинг нашр қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Яқинда эса мазкур ишларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномасининг жорий йилдаги янги — 1-2 сони чоп этилди.

4 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

САВОБЛИ, ЖАСОРАТЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Бу борада ҳам айрим маълумотлар: Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 12 та филиали, туман ва шаҳарларда 173 та бўлими ишлаб турибди. Марказ ва унинг филиаллари дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ишлаб чиқарилган тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Шу йилнинг ўзида мазкур хизмат учун 110 дона "Хундай" ва 350 дона "Дамас" русумли "Амбуланс" фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган 4 та тиббиёт маркази тажрибасидан келиб чиқиб, 6 та илмий-амалий ихтисослашган тиббиёт марказлари ташкил қилингани ватандошларимизнинг ўз соғлиқларини тиклашлари учун имкониятлар янада кенгайтирилганидан далолат.

Ҳақли савол туғилади: тўғри, соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини барча вилоят ва туманларда кўриш мумкин. Замонавий, жаҳон талабларига жавоб берадиган зарур асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланган шифохоналарни кўриб, кишининг дили яйрайди, аммо халқимиз бу имкониятлардан тўғри ва ўз вақтида фойдалана билишлари йўлида уларнинг тиббий маданияти қай даражада шаклланмоқда?

Халқимизда ўзини асраганни Аллоҳ ҳам асрайди, деган гап бор. Хасталикнинг олдини олиш борасида соҳа ходимлари матбуот, телевидение ва радиоканалларда мунтазам равишда чиқишлар қилишмоқда. Зарурий адабиётлар нашр этилаяпти. Бирор касалликка учраган инсоннинг қаерга ва кимга мурожаат қилиши тўғрисида ҳам ОАВ орқали мунтазам равишда маълумотлар берилмоқда.

Шу ўринда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган қувончли маълумотни келтириб ўтмоқчимиз: мамлакатимизда кейинги йилларда одамларнинг умр кўриши 4-5 ёшга узайган экан. Бу, табиийки, инсон саломатлигига алоҳида ғамхўрлик қилинаётганининг самарасидир.

Эзгулик йўлида қилинаётган ҳар қандай фаолият эътирофга лойиқ. Айниқса бу фаолият инсон соғлигига дахлдор бўлса, унинг қадри янада улуғланиши турган гап. "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорлар байрами сифатида кенг нишонланилади. Яқинда ана шу айём арафасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан соҳа ходимларининг меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида эълон қилинган кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов якунига кўра "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти" йўналиши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги "Ибн Сино" ҚВП 1-ўрин, Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги "Бурлоқ" ҚВП 2-ўрин, Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги "Тут" ҚВП ҳамда Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "А.Икромов" ҚВП 3-ўрин соҳиби бўлди. "Энг намунали оилавий поликлиника" йўналиши бўйича Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 1-сон оилавий поликлиника 1-ўрин, Фарғона вилояти Марғилон шаҳар 6-сон оилавий поликлиника 2-ўрин, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 9-сон оилавий поликлиника 3-ўринни эгаллади. "Энг яхши умумий амалиёт шифокори" йўналиши бўйича Бухоро



вилояти Когон тумани Геофизика қишлоқ врачлик пункти мудири Д.Файзиева 1-ўрин, Сурхондарё вилояти Шеробод тумани "Бойбулоқ" қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачи А.Аҳмедов 2-ўрин, Андижон вилояти Булоқбоши тумани "Қақир" қишлоқ врачлик пункти шифокори М.Қориачаева ҳамда Наманган вилояти Учқўрғон тумани "Пахтачи" қишлоқ врачлик пункти мудири О.Турдиматов 3-ўрин соҳиби бўлишди. "Энг яхши патронаж ҳамшира" йўналиши бўйича эса Тошкент вилояти Оҳангарон тумани кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамшираси З.Пирджикова 1-ўрин, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани "Кеш" қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Х.Боқиева 2-ўрин, Навоий вилояти Қизилтепа туманини "Тошработ" қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Н.Халимова 3-ўринга муносиб топилди. Бундан ташқари бир қанча рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари ҳам эълон қилинди. Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Ҳа, бу танлов тиббиёт ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг бир бўлаги, холос. Энг юксак эътироф эса халқ меҳри ва ишончидир. Эл саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган шарафли касб эгаларининг меҳнатини халқимиз эъзозлайди. Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг ғамхўрлигида бошқа соҳалар каби тиббиёт тизимлари янги — истиқбол даврига қадам қўйди. Юртимиздаги кўпдан-кўп шифохоналар, ҳатто оддий қишлоқ врачлик пунктларини олинг. Улардаги шарт-шароитлар ҳар қандай хорижий юртлардагидан зиёд бўлса зиёд, асло кам эмас. Тиббиётчиларимиз ҳам маҳоратда жаҳоннинг энг машҳур шифокорларидан қолишмайди. Аксинча, буюк Ибн Сино авлодлари — саломатлик посбонлари амалга ошираётган ишлар эҳтиромга лойиқ, муносиб!

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.



Нукус чирой очмоқда

Нукус шаҳрида бир-биридан гўзал, муҳташам бинолар қурилиши жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Дўстлик шоҳкўчасида 2 миллиард 120 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилаётган уч қаватли 48 хонадонли турар жой биноси ҳам шулар жумласидан. Мазкур бинонинг қурилиш ишлари бир йўла саккизта қурилиш ташкилоти томонидан амалга оширилаяпти.

Янги турар жой биносининг биринчи қаватида супермаркет очилиши ҳам режалаштирилган бўлиб, бу мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратишига шубҳа йўқ.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Университет филиалининг янги биноси



Фарғона шаҳрида Тошкент ахборот технологиялари университети вилоят филиалининг янги ўқув биноси тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

— 360 нафар талабага мўлжалланган ўқув-амалиёт хоналаримиз энг замонавий русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган ва улар ички локал ҳамда интернет тармоғига уланган билан ажралиб туради, — дейди филиал директори ўринбосари Ҳабибулла Абдураҳмонов. — Бу эса талабаларимизга ўзлари танлаган соҳани мукаммал эгаллаши ҳамда ахборот воситаларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Лойиҳа-смета қиймати 3 миллиард 801 миллион сўмни ташкил қилган бу таълим даргоҳи қурилишини Олтиариқ туманидаги тадбиркор Татьяна Вахрушева бошқараётган "Карвон" хусусий қурилиш корхонаси бинокорлари бунёд этишди.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

Бирлашма фаолиятини бошлади

Ғиждувон омухта ем сотиш бирлашмаси тумандаги фермер хўжаликлари ҳамда аҳолига жорий йилги ғалла ва пахта ҳосилидан омухта ем, шрот ва шелуха етказиб беришни бошлади.

— Жамоамиз 13 та шохобча орқали одамларга октябрь ойида 68 миллион 446 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Кунлик нақд пул тушуми 15 миллион сўмни ташкил этмоқда, — дейди бирлашма бош ҳисобчиси Шамил Халилов.

Бирлашма фаолиятидан мамнун бўлаётган туман аҳли маҳсулотларни ўз вақтида олиш имкониятига эга бўлаётганларидан мамнун.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Илмий тўплам тақдимоти

Яқинда Республика "Киночилар уйи"да "Кино — телекоммуникация: табиати ва таркиби" (3-қисм) илмий тўпламининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари, талабалар, таниқли киношунослар, режиссёрлар ва журналистлар иштирок этди. Тақдимотнинг асосий қисми мустақиллик йилларида яратилган фильмлар: "Йўл бўлсин" миллий фильми ва "Эхограмма" анимацион фильмида кўтарилган миллий қадриятлар, фалсафий мушоҳадалар хусусида борди. Шунингдек, профессор Ҳ.Акбаров раҳбарлигида чоп этилган ушбу тўпламда бугунги кун журналистикасида учраётган муаммолар ҳамда мустақиллик йилларида ушбу соҳада эришилган ютуқлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шоҳсанам ХИДИРОВА

НАЗОРАТ

"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ"

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларининг қабул қилиниши тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаб, назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний текширишлар ўтказилишига чек қўйди. Аммо айрим назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларга ҳам йўл қўйилаётганлиги сир эмас.

Назорат қилувчи органлар томонидан ана шундай ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олиш, фуқаролар, тадбиркорлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида "Ишонч телефонлари" фаолияти йўлга қўйилган.

Ҳурматли юртдошлар!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги "Ишонч телефони"га (қуйида илова қилинган) қўнғироқ қилишни унутманг. Адлия идораларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!



1	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	(8 371) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09
2	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги	(8 361) 008, 223-34-00
3	Тошкент шаҳар адлия бошқармаси	(8 371) 008, 262-92-42, 269-14-45
4	Андижон вилояти адлия бошқармаси	(8 374) 008, 224-42-31, 224-45-94, 222-30-89
5	Бухоро вилояти адлия бошқармаси	(8 365) 008, 223-74-16, 223-21-20
6	Жиззах вилояти адлия бошқармаси	(8 372) 008, 771-64-71
7	Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси	(8 375) 008, 223-01-64, 223-01-73
8	Навоий вилояти адлия бошқармаси	(8 436) 008, 223-80-47, 223-01-38
9	Наманган вилояти адлия бошқармаси	(8 369) 008, 226-51-93, 226-36-62, 226-70-33, 226-51-93
10	Самарқанд вилояти адлия бошқармаси	(8 366) 008, 233-04-62
11	Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси	(8 376) 008, 223-26-84
12	Сирдарё вилояти адлия бошқармаси	(8 367) 008, 225-09-69, 225-41-19
13	Тошкент вилояти адлия бошқармаси	(8 371) 008, 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02
14	Фарғона вилояти адлия бошқармаси	(8 373) 008, 224-15-49
15	Хоразм вилояти адлия бошқармаси	(8 362) 008, 226-86-47, 226-65-50

E-mail: info@minjust.gov.uz

ҲУҚУҚ

Манфаатларнинг ишончли ҳимояси

Жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси шартнома интизомини тартибга солувчи ҳамма қоидаларни ўзида мужассамлаштириб, барча хўжалик субъектларига хизмат қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши эса Фуқаролик Кодекси қоидаларини аниқ ва соддалаштирилган ҳолда амалиётда қўллаш учун шароит яратади.

Юртимиз қонун ҳужжатларига мувофиқ, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома деб аталади. Бундай тушунча ривожланган давлатларнинг қонунчилик нормаларига мос келади. Республикамизнинг барча жисмоний ва юридик шахслари шартнома тузишда эркиндир, ҳеч ким уларни шартнома тузишга мажбурлаши мумкин эмас. Айнан шунинг учун ҳам тадбиркорлик субъектлари шартнома тузишда амалдаги қонунларимиз доирасида хоҳлаган шартларини белгилашлари мумкин.

Шартнома шартларини белгилашда ҳар иккала тараф ҳам мажбуриятларнинг бажарилиши учун айбдор томонга қўлланиладиган мулкий таъсир чораларини белгиловчи шартларни қўллаши муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай шартномада жавобгарлик мезони кўрсатилиши томонларнинг бирида шартнома шартларини бузиш эҳтимоли мавжуд бўлганида, уни ўз мажбуриятларини бажаришга ундайди.

Маълумки, қўпчилик ривожланган давлатлардаги корхоналарда шартнома шартлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ўзларига ҳуқуқшунос маслаҳатчини жалб этишни тақозо қилади. Бироқ, афсуски, бу масалага бизнинг тадбиркорларимиз томонидан ҳар доим ҳам етарли даражада эътибор берилмаяпти. Шу сабабли шартномаларни тузиш ва бажаришда хатоликларга йўл қўймоқдалар ҳамда катта миқдорда моддий зарар кўраяпти.

Шу ўринда битта мисол: Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан Бекобод туманидаги "Шакар Мирза Барака" фермер хўжалиги раҳбари А.Мирзаевнинг "Пахта Лизинг" ЁАЖ билан тузилган шартномага асосан жамият ҳисоб рақамига 32000000 (ўттиз икки миллион) сўм ўтказиб берилган бўлса-да, лекин Белорусь МТЗ-80х русумли трактор берилмаётганидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганишда аниқландики, "Шакар Мирза Барака" фермер хўжалиги "Халқ банки"нинг Бекобод филиали орқали 2008 йил 24 майда 5-сонли тўлов топшириқномаси билан "Пахта Лизинг" ЁАЖга 32000000 (ўттиз икки миллион) сўм пул маблағини тўлаган бўлса-да, тузилган шартноманинг 2.1 бандига асосан пул маблағи тушгандан кейин "Пахта Лизинг" ЁАЖ томонидан 60 кун ичида трактор "Шакар Мирза Барака" фермер хўжалигига етказиб берилмаган. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан 2008 йилнинг 15 сентябрь куни "Пахта Лизинг" ЁАЖ раҳбари номига тақдимнома киритилди. "Пахта Лизинг" ЁАЖ раҳбарияти томонидан ушбу тақдимноманинг иҗроси таъминланмагани сабабли адлия бошқармаси томонидан тракторни мажбурий тартибда олиб бериш ва "Пахта Лизинг" ЁАЖ ҳисобидан "Шакар Мирза Барака" фермер хўжалигининг фойдасига 1 миллион 600 минг сўм пеня ундириш тўғрисида Тошкент шаҳар Хўжалиқ судига даъво ариза киритилди ва суд томонидан жорий йилнинг 1 апрель куни тўлиқ қаноатлантирилди. Яъни фермер хўжалигининг раҳбари тўғри ва қонуний тузилган шартнома асосида ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклашга ва шартномада келишилган маҳсулотини олишга эришди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, барча хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари шартномалар тузишда ва уларнинг ижросини таъминлашда албатта, ҳуқуқшунос-маслаҳатчиларнинг ёрдамидан фойдаланишлари зарур. Шунда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг доимий ишончли ҳимояси таъминланади.

А.МАШАРИПОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармасининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи.

O'ZSANOATQURILISHBANK

"Ўзсаноатқурилишбанк"
ўз банк тизимида банк хизматлари бўйича тарифларига ўзгартириш киритганлигини маълум қилади.

Шу йилнинг 1 декабридан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли

"Visa Electron" пластик карточка эгаларига йиллик даромад 14 фоиз,

"Visa Classic" карточка эгаларига эса йиллик даромад 18 фоиз қилиб белгиланди.

Қўшимча маълумот учун телефон: (8.371) 120-45-42

ШАРТНОМАЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ — ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида хўжалик шартномаларини тузишда ва бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида Навоий вилоят адлия бошқармасига келиб тушган мурожаатлар ўрганиб чиқилиб, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Хусусан, Хатирчи туманидаги "Жайрон" фермер хўжалиги бошлиғи А.Исломов адлия бошқармасига мурожаат этиб, "Континент-Н ёғ-мой" МЧЖ қўшма корхонаси билан тузилган шартномага асосан қўшма корхонанинг ҳисоб рақамига пул кўчириб берилган бўлса-да, маҳсулот етказиб берилмаётгани учун маблағни ундиришда амалий ёрдам беришни сўраганди. Аризада келтирилган ҳолатлар ўрганилиб, қарз ва пеня ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси киритилди ва қаноатлантирилди.

Бундан ташқари ўтган давр мобайнида шартномавий муносабатларга доир масалалар юзасидан судларга 328 та даъво аризалари киритилиб, уларнинг 229 таси судлар томонидан кўриб чиқилди. Натижада 392 762,3 минг сўм қарз ва 16 876 683 сўм пеня жарималари ундирилди. Шу билан биргаликда, вилоят ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши ва уларда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича мунтазам назорат тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Навоий вилояти бўйича жами 19 240 та шартномаларнинг қонунийлиги ўрганилиб, уларнинг тузилиши бўйича жами 6577 та камчиликлар аниқланди. Жойларда шартномавий муносабатларга оид қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганилганда эса идора ва ташкилотларга 82 та тақдимнома, 1862 та огоҳнома ва 41 та кўрсатмалар киритилди. Ушбу тақдимномаларга асосан 128 нафар айбдор мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди, улардан 4 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

С.АБДУРАСУЛОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

МАЪНАВИЯТ МАНЗАРАЛАРИ

МЕҲРИНГ ҚАНИ, МЕҲРИБОНИМ?

Маърифий очерк

Сиз меҳр кўрганмисиз, меҳр булоғидан қонганмисиз? Меҳр нималигини биласизми? Ҳаётингиз давомида меҳр кўчаларидан ҳеч ўтганмисиз? Меҳр кўчасининг тароватидан баҳраманд бўлганмисиз? Ўзингиз ҳам бировга меҳр кўрсатганмисиз? Келинг, саволларга жўяли жавоб топгунингизча Сизга меҳр ҳақида билганларимдан, кўрган-эшитганларимдан андак сўзлай.

"Меҳр" сўзи луғатларда ёзилишича, қуёш, офтоб деган маънони англатаркан. Аслида ҳам меҳр сўзи айтилганда, меҳр кўрсатганда қуёш ҳарорати, офтоб чарақлагандай бўлади. Қалбларда, кўзларда ўз-ўзидан меҳр тафти аланга олади. Халқ мақолида айтилганидек, "Кўз кўзга тушса меҳр қўзғалар". Ҳақиқатан ҳам меҳрнинг илдизлари кўзда бўлади.

Меҳр юракда туғилиб, кўзда вояга етади. Қалбда илдиз отиб, кўзда мева беради. Меҳр мевалари қанчалар тотли эканини меҳр кўрсатган ёки меҳр кўрган инсонгина теран тушуниши мумкин. Меҳрсиз қалб мевасиз дарахтга ўхшайди. Меҳрсиз кўз эса суви қуриб қолган тақир ариқни эслатади.

Азиз дўстим, кўзларингдаги меҳр мевасини кўрганмисиз? Ва бу меваларининг лаззатидан баҳраманд бўлганмисиз? Меҳр мевалари: улар қанчалар мазали, қанчалар тотли. Меҳр мевасини фақат меҳр билан сийлаш мумкин. Меҳр мевалари инсонга фақат меҳр беради, меҳр ҳадя этади, меҳр ришталарини боғлайди. Шу нарсани очиқ тан олиб айтишимиз керакки, ҳамма юракда ҳам, ҳамма кўзда ҳам меҳр мевалари бўлавермайди, меҳр ҳосил солавермайди.

Бирор кўнгилсиз ё нохуш воқеани эшитиб қолсак, дарҳол "одамларда меҳр қолмаяпти", "жуда меҳрсиз бўлиб кетаяпмиз", «бунчалар бемеҳр бўлмаса?» деган ташвишли мулоҳазалар тез-тез қулоққа чалинади. Яқинда бир даврада шундай оғриқли суҳбатга гувоҳ бўлдим:

— Эшитдингизми, фалончини болалари "Қариялар уйи"га олиб бориб қўйибди. Шўрлик қаерда ётганини ҳам билмасмиш.

— Бечора қариганида хор бўлибди. Ўз фарзанди шу ишни қилибди-я, тавба. Наҳотки фарзандларида онага нисбатан меҳр бўлмаса? Улар шунчалар меҳрсизми?..

Суҳбатни шарҳламоқчи эмасмиз. Эҳтимол дунёнинг қайсидир мамлакатида фарзандлари ота-онасини "Қариялар уйи"га олиб бориб қўйиши меҳр намунаси сифатида қадрланар, лекин бизда бундай ачинарли ҳолат меҳрсизлик ҳисобланади. Бемеҳрлик содир бўлганда беихтиёр хаёлимизга ушбу ўлмас ва боқий сатрлар келади:

«Меҳр кўп кўргуздим,
аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе қилдим фидо,
оромижоне топмадим».
(Алишер Навоий)

Ҳали ҳануз инсон зоти меҳрибон тополмаганидан, жонини фидо қилиб, жонига ором топа олмаганидан зорланади, нолалар қилади. Бемеҳрликдан қалби озор чекади...

Аслида инсон меҳр билан дунёга келиб, меҳр билан яшайди. Инсонлар бир-биридан меҳрнинг софлиги, самимийлиги билан ажралиб турадилар. Одам боласи ким бўлишидан қатъи назар ҳаёти давомида ўзидан меҳрли излар қолдиришга ҳар жиҳатдан ҳақли.

Адабиётшунос олимлардан бири ёзганидек: «Меҳрдан инсон қиёфаси ҳосил бўлади ва шаклланади. Меҳр йўқ ерда инсон ҳам йўқ. Бизнинг илдизлари теран маънавиятимиз меҳрдан қорилган, меҳрдан қурилган. Шунинг учун уни жон каби асраймиз».

Ҳақиқатан ҳам меҳрни жон каби асраш қанчалар душвор ва шу билан бирга қанчалар шарафли. Меҳрни асраш инсонийликнинг улуғ мартабаси. Меҳрли бўлиш, меҳр қозониш бизга ота-боболаримиздан мерос. Меҳр ҳар бир инсоннинг жисми-жонида бўлсада, у дастлаб оилада, сўнг одамлар орасида, жамоада шаклланади, вояга етади. Меҳр ҳам улғаяди, камол топади ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади.

Биз улуғ аждодларимиздан мерос бўлиб қолган буюк меҳрдан баҳраманд бўлиб келаётирмиз. Меҳрли одамларни, меҳрли оилаларни кўриб қувонамиз. Уларнинг меҳридан баҳраманд бўлишга интиламиз ва бу инсоний меҳрга ўзимиз ҳам меҳр қўшишга талпинамиз.

Афсуски, меҳр тушунчаси, меҳр туйғуси ҳаммада ҳам бир хил шаклланган, меҳрни ҳамма бир хил тушунади, унга путур етказмасдан авлоддан-авлодга ҳадя этади, деб бўлмайди. Меҳрни енгил-елпи тушунадиган, унга ўткинчи туйғу сифатида қарайдиган дийдаси қаттиқ одамлар ҳам борки, уларнинг меҳрсизлигидан оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва атрофдагилар озор чекадилар. Ҳатто бир-бири билан юз кўрмас бўлиб кетадилар, туғишганлар душманга айланадилар. Оқибат — ўртадаги меҳр барҳам топади. Масалан, сўнгги йилларда баъзи инсонлар ҳаётида биргина мерос масаласида рўй бераётган бир-биридан кўнгилсиз воқеалар, сўнгсиз можаролар замирида асосан бойликка меҳр қўйиш боисидан одам қадрига ва шаънига эса меҳрсизлик ётади. Ака-укасини, сингил опасини, тоға жиянини, амма собиқ куёвини судга бериб мерос талашади. Мерос можароси "Минг бир кеча" эртаклари каби тугамайди. Бу можаролар орасида ҳовли-жой талашаётган, бир парча ер учун тортишаётган, бувиси ёки ойисидан қолган тилла тақинчоқ учун қир-пичоқ бўлаётган, машина ёки гарнитур устида олишаётганларнинг ҳисоби йўқ. Судбозликларнинг сўнгги кўринмайди. Мақолда айтилганидек: «Ўз айбингни очсанг, элнинг меҳри қочар».

Бир-бирлари билан ойлаб, йиллаб судлашаётганлар орасида бегоналардан кўра туғишганлар ё қариндош-уруғлар кўпчиликни ташкил қилаётгани ташвишли. Улар мерос талашиш жараёнида меҳр-оқибат кўргонларини вайрон этмоқдалар, меҳр булоқларини қуритмоқдалар. Уларга одам қадр-қимматидан кўра, одам меҳридан кўра буюм, ҳовли-жой азиз бўлиб кўринмоқда. Ваҳоланки, одам боласи бу дунёдан ҳеч нарса олиб кетолмайди. Бир ҳикоятда айтилишича, узоқ йил яшаган бадавлат қария ўлими олдидан фарзандларини йиғиб, шундай деб васият қилибди:

— Азиз фарзандларим, энди бу ёруғ дунёни тарк этиб, нариги — боқий дунёга кетиш фурсати яқинлашди. Ўлимимдан сўнг ғассолдан мени пайпоғим билан ювишни илтимос қилинглар. Иложи бўлса пайпоғим билан кўминглар. Мени кўмиб келганларингдан сўнг ёстиғим тагида хат бўлади. Ўша хатни олиб бирга ўқинглар.

Вақти-соати етиб, қария қазо қилибди. Фарзандлари ғассолдан зўр бериб илтимос қилишибди. Ўртага дин пешволарини қўйишибди. Лекин у мурдани пайпоғи билан ювмабди. Ноилож фарзандлари ҳам рози бўлишибди. Отасини дафн этиб келгач, ёстиғи тагидаги хатни олиб ўқибдилар. Хатда шундай деб ёзилган экан: "Азиз фарзандларим, мана кўрдиларинг, шунча кўп бойлигим бўлса ҳам нариги дунёга оддий, эски пайпоғимни ҳам олиб кетолмадим. Бу сизларга ҳамиша ибрат бўлсин. Менинг ўлимимдан сўнг асло мерос талашманглар, бир-бирингизга бемеҳр бўлманглар".

Бу ҳикоят барча мерос талашаётганлар учун ҳамма даврада ҳам ибрат бўлиб қолишини истардик...

Яна бир мисол. Анчадан буён машҳур, таниқли инсон билан ўғли ўртасида рўй берган англашилмовчилик "сариқ матбуот"нинг хўрагига айланди. Аслида бу воқеа оиланинг ички иши. Лекин ота-боланинг муносабатига бир бегона аёл аралашиб, уни етти маҳаллага достон қилди. Оқибатда уйдаги сир кўчага чиқди. Чиқди-ю, "сариқ матбуот"нинг қармоғига илинди. Тўғриси, ўша аёл таҳририятларга чопавериб, мақолалар уюштириб ота-бола, она-бола ўртасидаги меҳрга раҳна солди. Оилада меҳр ришталари узилди. Мақолаларни ўқиганлардан кимдир отани айблади, кимдир болани лаънатлади. Яна биров ўртадаги аёлнинг найрангларини қоралади.

Шу ўринда бир савол туғилади: оиладаги сирни ошкор қилиб, ота-бола ўртасидаги меҳрсизликни тарғиб қилишдан не наф? Умуман, "сариқ матбуот" саҳифаларида ур-йиқит, фирибгарлик, сохта севги, хиёнат сингари фақат иллатлардан иборат мавзулар асосий ўринни эгаллайди. Ва уларнинг замирида шубҳасиз бемеҳрлик ётади. Айрим "сариқ матбуот"га мансуб газеталар ана шу меҳрсизликни, меҳри қаттиқликни, меҳрдан маҳрум кимсаларни, миллатимиз менталитетига мутлақо ёт воқеаларни тарғиб қилишдан чарчашмаётир. Бир сўз билан айтганда, маънавиятдан кўра, моддий манфаатга муккасидан кетган айрим "сариқ матбуот"га тааллуқли нашрлар ёритаётган аксарият мавзулар миллий тарбиямизга мутлақо тўғри келмайди. Ўқувчини меҳрсизлик манзилларига бошлайди, бемеҳрликдан, бағритошликдан сабоқ беради...

* * *

Одам меҳр излайди, меҳрибон ахтаради. Меҳр томон мудом талпинади. Бемор меҳр тўла кўзлари билан жовдираб, шифокордан меҳр кутади. Оддий ходим раҳбаридан, айбдор ҳуқуқшуносдан, камбағал эса бойдан меҳр кутиб яшайди. Кучсиз кучлидан, қўрқоқ ботирдан, омадсиз бахти кулгандан меҳр истайди. Аввал бола ота-онадан, сўнг ота-она боладан меҳр кутади. Авлодларнинг меҳр занжири шу тарзда мустаҳкамланиб боради.

Ота меҳри, она меҳри ва бола меҳридан оила меҳри бунёд бўлади. Меҳр қўрғони бақувват кучга айланади. Меҳрли оила ҳаётнинг енгил-елпи йўлларидан юрмайди. Меҳрли оила ўзининг маънавиятли, маданияти юксаклигини ҳамиша намоён этади. Меҳрли оила қўни-қўшнилар, маҳалла аҳли билан самимий муносабатда бўлади. Айни пайтда меҳрли оиланинг аъзоларини бошқалар ҳам яхши кўради, ҳурмат қилади, меҳр кўрсатади. Меҳрли оилалар бирлашиб, меҳрободликни, меҳридарёликни бунёд этади.

Оила меҳри, жамоа меҳри ва миллат меҳри жипслашиб, ўз-ўзидан Ватан меҳрига айланади. Шоир айтганидек:

Ватан меҳри —
хаёлларим узра зарҳал тож,
Ватан меҳри —
орзуларим тумори танҳо.
Ватан меҳри —
иқболимнинг олтин калити,
Ватан меҳри —
юрт кўкида чарх урган хумо...

Ҳақиқатан ҳам Ватан меҳри меҳрларнинг энг юксаги ва гултожидир. Биз бир вақтлар Ватан меҳрига зор эдик. Ватан эса бизнинг меҳримизга ташна эди. Шукурким:

Мустақиллик бизга
Ватан меҳрини қайтарди.
Мустақиллик бизга озодлик,
ҳурлик меҳрини берди.
Мустақиллик бизга эрк ва
эркинлик меҳрини
ҳадя қилди.
Мустақиллик бизга аслимиз ва
ўзлигимиз меҳрини
намоён этди.

Мустақиллик фақат Ватан меҳрини эмас, балки одамларнинг бир-бирига бўлган инсоний меҳрини, меҳрибонлигини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Айниқса, "Меҳрибонлик уй"ларидаги меҳрга зор кўзларга меҳр кўрсатишда, меҳрибонлик қилишда муҳтарам Юртбошимиз ҳамиша оталарча қайноқ меҳри билан ҳаммамизга юксак ибрат бўлаётир. Мамлакатимиздаги қайси "Меҳрибонлик уйи"га борсанг, у ерда тарбияланаётган фарзандларимиз, биринчи навбатда Президент боболарининг меҳрибончиликларини миннатдор бўлиб эслашмоқда. Бундай олижаноб меҳрибонликдан, меҳрдан қанчалар ўргансак, ибрат олсак арзийди.

* * *

Бозор шароитининг ўткинчи муаммолари одамлар феъл-атворини ўзгартириши билан бирга уларнинг меҳр оламига ҳам таъсир этмай қолмади. Бугун тижорат ва тадбиркорликка меҳри тушиб, у билан шуғулланаётган одам кўпроқ фойда олсам, тезроқ бойиб кетсам, деб ҳаракат қилади. Ушбу жараёнда бойликка берилиб кетганини, бойликка меҳр

> *"Доно халқимиз, ғараз ва ҳасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатига ўзгалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйлайдиган кимсадан ўзи асрасин, дейди.*
>
> Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобидан.

қўйганини ўзи ҳам билмай, фикри-ёди бойлик тўплашда бўлиб қолади. Афсуски, бундай одам оила меҳридан, бола-чақа, қариндош-уруғ меҳридан совиб, бойлик сеҳрига берилиб кетади.

Масалан, олис қишлоқлардан бирида содир бўлган фожеа одамларни ларзага солди. Ота пул топиш учун Россияга кетади. Орадан бироз муддат ўтиб, онаси ҳам отасининг ёнига жўнайди. Ўн ёшли қизалоқ бувиси билан қишлоқда қолади. Уларнинг уйлари қишлоқнинг икки чеккасида эди. Қиз ҳар икки-уч кунда бувиси билан бориб уйларидан хабар олиб келарди. Баъзан уйдан тоғалари, бошқа қариндошлар ҳам хабар олиб туришарди. Бир куни тоғаларидан бири ўртоқлари билан келиб, овқат қилиб ейишади. Қолган овқатни дастурхонда қолдириб кетишади. Бу орада бувиси касал бўлиб қолиб, уйдан хабар олгани қизалоқнинг ёлғиз ўзи келади. У оч бўлгани туфайли бир кун дастурхонда туриб қолган овқатни еб, жиддий заҳарланади. Қайт қилиб, ҳолдан тойиб йиқилади. Набираси келавермаганидан хавотирланган буви касал бўлишига қарамай, секин-секин юриб келса, қизалоқ хушсиз ётибди. Қўни-қўшниларни чақириб, набирасини касалхонага олиб борганида жуда кеч бўлган эди...

Бойликка меҳр қўйган меҳрсиз ота-она эса жигаргўшасини сўнгги манзилга кузатишга ҳам етиб келолмайди. Айниқса, она учун боласининг меҳрига тўёлмагани бир умр армон бўлиб қолди...

Хўш, бойликка ишқи тушган кимса маънавиятнинг оддий тушунчаларидан йироқ, меҳрдан маҳрум бўлса-чи? Ҳамма нарсани бойлик билан ўлчайдиган, одамларга бойлигига қараб баҳо берадиган ожиз банда бўлса-чи? Энг ёмони — ҳамма нарсага, жумладан, меҳрга фақат бойлик туфайли сазовор бўлиш мумкин, деб ўйласа-чи? Керак бўлса, меҳрни ҳам сотиб оламан, деб дағдаға қилса-чи?

Афсуски, меҳрнинг дўкони йўқ. Меҳр экспорт ҳам қилинмайди. Энг қимматбаҳо бозорда ҳам меҳр сотилмайди. Кўп қаватли ҳашаматли қасрлар ҳам, қўша-қўша машиналар ҳам, олтин буюмлар ҳам, доллару евролар ҳам оддий ва самимий инсон меҳрининг ўрнини боса олмайди. Айтайлик, ўн беш ё йигирма хонадан иборат кўп қаватли уй энг қимматбаҳо жиҳозлар билан безатилса-ю, унда фақат меҳр бўлмаса, бундай уйнинг тошқўрғондан фарқи йўқ. Қизнинг қўлида "БМВ"нинг калити ўйнаса, ўғилнинг тагида "Жип", онасида "Матиз", бувисида "Нексия" машиналари ғизиллаб турса-ю, лекин оилада меҳр, ўрталарида меҳрибонлик бўлмаса, уларнинг қалблари ҳам ўзлари миниб юрган темир матоҳларга ўхшайди.

Фақат бойлик кетидан қувган, бойиш учун ҳар қандай ғаразли йўлдан қайтмайдиган, айниқса, бошқаларни қақшатиб бойлик орттирадиган меҳрсиз кимсалар афсуски, барча жамиятда учрайди. Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ёзганидек: **"Доно халқимиз, ғараз ва ҳасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатига ўзгалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйлайдиган кимсадан ўзи асрасин, дейди. Бағрикенг, ҳалол пок, виждонли, меҳр-оқибатли, эл-юртнинг ғам-ташвиши билан яшайдиган кишиларни эса, аксинча, бошига кўтаради ва бундай одамлар жамият томонидан қадр-қиммат, ҳурмат-эътибор топади".** Ёки ушбу китобда яна шундай ноёб сатрлар бор: **"Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади".**

Демак, меҳр-оқибатли бўлиш, меҳр-оқибат кўрсатиш,меҳрибонлик аслида халқимизнинг табиатида бор. Ўзбек бошқа халқлардан айнан шундай бебаҳо фазилатлари билан ажралиб туради, десак асло муболаға бўлмайди. Бизда ҳатто исмларга ҳам меҳр сўзи қўшилган. Масалан: Меҳрибон, Меҳрвафо, Меҳриддин, Меҳринисо, Меҳригўзал, Меҳрибек, Меҳрдил, Меҳржамол...

Ҳар йили кузда «Меҳржон» байрамининг ўтказилиши ҳам халқимиз меҳрининг ёрқин намунаси десак ҳато бўлмас.

Яна бир ибратли жиҳати шундаки, халқимизнинг ерга нисбатан меҳр-муҳаббатини бошқа ҳеч бир буюк нарса билан таққослаб бўлмайди. Нега деҳқонларимиз етиштирган полиз ва сабзавотлар жуда ширин бўлади? Сабаби, деҳқон уларга меҳрини қўшиб парвариш қилган.

Дон ҳам, пахта ҳам фақат деҳқон меҳри билан бунёд этилади. Деҳқон меҳр билан уруғ қадаб, меҳр билан парвариш қилгани боис, ҳосилдан меҳр хирмонлари пайдо бўлади. Меҳр хирмонлари эса Мустақил Ватан тараққиётига хизмат қилади.

Ўрни келди, айтиб ўтай: сўнгги йилларда китобга бўлган меҳрнинг бироз сўниб бораётгани ҳам бор гап. Бу ташвишли ҳолдан кўз юмиб бўлмайди. Китобга меҳр — билимга ва тафаккурга меҳр. Ҳамма даврларда ҳам китобга ташналик, китобга меҳр бўлган. Миллатнинг билим даражаси, дунёқараши биринчи галда китобга бўлган меҳр-муҳаббати билан ўлчанган. Инсоннинг китобга бўлган меҳрига қараб, унинг билим даражасини, дунёқарашини белгилаш мумкин.

Ёки айрим ғаламис кимсаларнинг она-табиатга етказаётган зуғуми ҳам меҳрсизликдан бошқа нарса эмас. Ана шундай муносабат туфайли табиатга жиддий зиён-заҳмат етаётир. Табиат ҳам инсон меҳрига муҳтожлигини, меҳрга ташналигини асло унутмайлик.

* * *

Қаён кетмоқдасан меҳр? Бемеҳрликнинг илдизи қаерда? Нега бу ўткинчи дунёда йўлимизни меҳрсизлик кўчасига бурамиз? Бу охири йўқ йўл қаёққа олиб боради, меҳрсизларни, меҳрга зорларни?!.

* * *

Биз меҳр сўзи қуёш ёки офтоб маъносини англатишини кўп бор таъкидладик. Яна бир маъноси — одам боласининг бир-бирига қуёшдай оташмеҳр, офтобдай ўтмеҳр, алангамеҳр бўлсин, дегани эмасмикин?

Меҳрингизни дариғ тутманг, одамлар. Олам ўзгараётганда, одам ўзгараётганда бир-бирингизга меҳрли, меҳрибон бўлинг. Ҳар қандай қувонч ва ютуқлар, тўй-байрамлар ҳам меҳр билан тотли, меҳр билан боқий.Бизни ҳар қандай синов ва изтиробли лаҳзалардан фақат меҳр қутқаради, меҳрибонлик асрайди.

Ашурали ЖЎРАЕВ

Таҳририятга хатлар

Демократия кўзгуси

Маълумки, жорий йил охирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади. 2008 йилнинг 25 декабрида "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди. Натижада сайловлар билан боғлиқ 12 та қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Яқинда Бешариқ тумани ФҲДЁ бўлими ташаббуси билан "Бешариқ" қишлоқ фуқаролар йиғинида сайловга оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шулар хусусида фикр юритилди.

Хосиятхон МАМАЖОНОВА,
Бешариқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири.

Дафтар — ўқувчининг юзи

Мактабимиз яқинида ўқув қуроллари билан савдо қилувчи дўкон бор. Ҳар доим ўша ердан ўзимга ҳамда укаларимга дафтар, ручка ва бошқа керакли ўқув қуролларини сотиб оламан. Яқинда дўконга кирсам, тенгдошларим қий-чув қилиб дафтар олишаяпти. Бири муқовасига қайсидир қўшиқчининг сурати туширилган дафтарни сўраса, бошқаси корейс сериаллари, яна биттаси турк сериаллари қаҳрамонларининг сурати билан безалган дафтар беринг, дейди...

Дўкон сотувчиси Шарофат опа: "Йўқ, қизларим, энди унақа расмли дафтарлар сотмаймиз. Мудиримиз Режаббой ака дўконга фақат карра жадвали, Алишер Навоий бобомизнинг сурати ва ғазаллари билан безатилган дафтарларни олиб келаяпти", — деди. Мен ҳам беихтиёр гапга қўшилдим: "Ие, қизлар, тунов куни вилоят халқ таълими бошқармасидаги раҳбарлар иштирокида мактабимизда ўтказилган тадбир эсларингдан чиқдими? Ахир, унда ота-оналар, устозлар ва ўқувчилар бир овоздан дафтар муқовасига билимимизни оширувчи, ҳар дамда бизга улуғ зотларнинг дурдона фикрларини эслатувчи ҳикматлар битилган дафтарлардан фойдаланишга келишиб олдик-ку?!"

Бу сўзларим таъсир қилдими, тенгдошларим гапимни маъқуллаб, она-Ватанга садоқат, ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотадиган суратли дафтарларни харид қилишди.

Ўғилжон АБДУЛЛАЕВА,
Урганч шаҳридаги 1-ўрта умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси.

Кибр — "бегона ўт"

Шанбаликлардан бирида ёш муаллималарга мактаб ҳовлисига экилган кўкатларни бегона ўтлардан тозалаш топширилди. Улар орасида шаҳардан эндигина қишлоққа келин бўлиб тушган ўқитувчи ҳам бор эди. У янги униб чиққан жамбил ва райҳонни бегона ўтлардан ажратиб ололмагани боис, анча хижолат бўлди. Охири унга ёши улуғ муаллималардан бири йўл-йўриқ кўрсатиб турди.

Гарчи бу воқеа анча йиллар олдин содир бўлган эса-да, айрим ўқувчи кўнглини тушунмайдиган, билими саёз, энг муҳими ўз устида ишламайдиган муаллимларни кўрганимда бу воқеа бот-бот ёдимга тушаверади. Негаки тарбиячилар аввало, инсон қалбидаги "бегона ўтларни" аниқ таниб олмасдан туриб, болалар қалбини бу иллатлардан тозалай олишолмайди. Бу "бегона ўтларни" эса таъбир жоиз бўлса, инсон қалбидаги кибрга менгзаган бўлардим. Чунки жамики ёмон нарсаларнинг, инсон қалбини кемирувчи иллатларнинг дояси аввало, кибрдир. Кибр — манманлик, ўзини кўрсатиш, — қусури бўлса-да, унга маддоҳлик, ялтоқлик, иззатпарастлик, дангасалик ва ҳоказо бир қанча ноинсоний хислатлар ҳам илашган бўлади. Ўқитувчи ҳамда тарбиячилар ёшлар қалбини бу иллатлардан тозалашга бурчли бўлганликлари важидан, энг аввало, ўзларининг қалби пок, кибр, ҳасад, каби иллатлардан холи бўлиши шарт деб ўйлайман.

Турсунали ЮСУПОВ
Фарғона вилояти.

Истардикки...

"Ватанни севмоқ иймондандир". Ушбу ҳадиси шарифнинг замиридаги теран маънони англаш учун инсон қалбида Ватанига нисбатан самимий муҳаббат, собит эътиқод бўлса кифоя. Бу туйғуни онгимизга сингдирувчи, қалбимизда шакллантирувчи воситалар талайгина. Улар орасида телевидениенинг, айниқса, унда намойиш этилаётган сериалларнинг аҳамияти катта.

Хўш, бугунги кунда ўзбек сериаллари орасида қаҳрамонлик, ватанпарварлик ғоялари уфуриб турадиганлари қанча? Уларда мавзу қай даражада ёритилмоқда? Бундан сал олдинроқ томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинган "Сардор", "Чархпалак", "Остона" каби ватанпарварлик, одамийлик ғояларига йўғрилган бир қанча сериаллар жамоатчилик томонидан илиқ қабул қилинди.

Бизда Амир Темур, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди каби буюк ўғлонлар яшаб ўтган. Улар Ватан, эл-юрт учун ҳар қандай оғир машаққатлар, синовлардан чўчимаган. Ахир, ўзбек киносаньати йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Истардикки, улар ҳақида ҳам ажойиб фильмлар ишланса.

Маърифат АБДУҲАМИДОВА
Тошкент шаҳри.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

ЭЪТИРОФ

СЎЗ ҚУДРАТИ

ёки Фарғона журналистикаси ҳақида

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов "Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш" рисоласида қуйидаги фикрни билдиради: "Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдига қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Лекин энг муҳими — ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттиришдан иборат. Чунки ҳақиқат журналистиканинг ўзгармас ва доимий шарти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши зарур. Айни вақтда матбуот ва эфир орқали ҳақиқатни ёритиш, одамларга етказиш ҳар қайси журналистнинг билим ва тажрибаси, унинг профессионал маҳоратига, гражданлик позициясига боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим".

Ҳарҳақиқат, бугун бутун республикамизда бўлгани каби Фарғона вилоятидаги "Фарғона ҳақиқати", "Истиқбол йўли", "Давр овози», "Қўқон садоси " ва кўплаб бошқа газеталарда меҳнат қилаётган журналистлар ҳам буни теран ҳис этган ҳолда долзарб мавзуларда чиқишлар қилишмоқда. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни рағбатлантириш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келаётир.

Яқинда бўлим ташаббуси билан "Фарғона журналистикаси" деб номланган китоб нашр этилди. Унда Фарғона журналистикасига назар ташланган ҳолда ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётганлар ҳақида маълумотлар берилган. Шунинг ўзи ҳам вилоятда бу соҳага катта эътибор қаратилаётганидан далолат.

Вилоятда етмишдан зиёд босма нашр, олтита телевидение (иккита давлат —вилоят ва Сўх телевидениеси, тўртта нодавлат — "Мулоқот", "Мулоқот+", "Марғилон ТВ", "Рухсор ТВ" телевидениелари), битта давлат (вилоят) радиоси ҳамда битта нодавлат («Рухсор FM») радиоканаллари ишлаб турибди. Уларда уч юздан ортиқ ижодий ходимлар меҳнат қилмоқдалар ҳамда барча таҳририятлар замонавий ахборот узатиш технологияси билан жиҳозланган.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қайта ташкил этилганидан сўнг ОАВлари ходимларини рағбатлантириш, улар меҳнатини муносиб тақдирлаш ҳам ўз ўрнини топди. Масалан, сўнгги беш йилда биргина фарғоналик журналистлардан 11 нафари «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуғ, энг азиз», республика танловларининг совриндори бўлди. 7 нафар ҳамкасбимиз эса «Олтин қалам» миллий мукофоти халқаро танловида ғолиб чиқди.

Эсимда, 2004 йил апрель ойида бўлиб ўтган ижодий уюшма вилоят бўлимининг таъсис йиғилишида ҳатто бир вилоятда фаолият кўрсатаётган айрим газета муҳаррирлари бир-бирларини билмаслиги, танимаслиги аён бўлиб қолди. Бу ҳолни бартараф этиш учун вилоят миқёсида кўчма конференция, семинарлар ташкил этилди. Бу таҳририятлар, босмахоналар ишини оммалаштириш, камчиликларни пайқаб олиш ва тузатиш, ўзаро дўстона муносабатларнинг шаклланиши ҳамда мустаҳкамланишига олиб келди. Иккинчи босқичда Андижон ва



Наманган вилоятлари журналистлари Фарғонага таклиф этилди. Улар ҳокимлик, тармоқ ва хусусий газеталар таҳририятларида, босмахоналарда, давлат ва нодавлат телевидениеларида бўлиб тажриба алмашдилар. Худди шундай анжуманлар кейинчалик Наманган ва Андижонда ҳам бўлиб ўтди. Энди водий журналистлари «ким нима билан қандай нафас олаётгани»ни биладиган, камчиликларини бартараф этиб, илғор тажрибаларни ўзида қўллайдиган бўлишганди. Ўзаро ҳамкорликнинг учинчи босқичида республиканинг бошқа вилоятлари журналистлари билан алоқалар ўрнатилди. Масалан, Фарғонага Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё вилояти журналистлари ташриф буюришди.

Ҳеч кимга сир эмаски, вилоятдаги аксарият журналист мутахассисларнинг ўртача ёши улғайиб бормоқда. Журналистика олий ўқув даргоҳларини битирган ёшларнинг жуда катта қисми пойтахтда қолиб кетаяпти. Таҳририятларда ёш журналистларга бўлган талаб бугунга келиб юқори чўққига чиққан. Айрим таҳририятларда бор-йўғи 2-3 та кекса журналистлар газета чиқармоқда. Бундай шароитда журналистикага хайрихоҳ бўлган бошқа соҳа ёшларини жалб этиш, улар малакасини ошириш жуда муҳим. Шу мақсадда 2008 йилда 14 нафар ёшлар пойтахтда бўлиб, республиканинг етакчи босма ОАВларида бир ҳафталик ижодий-амалий ўқувини ўтказди. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Жамият», «Hurriyat», «XXI аср» каби таҳририятларда журналистика сабоғини олган ёшлар бугун вилоятдаги турли нашрларда муваффақият билан ижод қилмоқдалар. Шунингдек, вилоятда чоп этилаётган газеталар муҳаррирларидан 21 нафарининг Тошкент шаҳрида бир ҳафталик малака ошириши ҳам улкан таассуротларга бой бўлди.

Маълумки, мукаммал, ҳар жиҳатдан пухта журналистик асарлар яратилишига эришувнинг йўлларидан бири ихтисослашувдир. Шунинг учун ижодий уюшма вилоят бўлими қошида еттита тегишли йўналиш ва соҳалар бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилган. Булар «Ҳуқуқий мавзуда ёзадиган журналистлар кенгаши», «Иқтисодий мавзуда ёзадиган журналистлар кенгаши», «Аёл журналистлар клуби», «Ёш журналистлар клуби», «Репортёрлик маҳорати мактаби», «Давлат тизими ва сиёсий партиялар билан ишлаш клуби», «Газета дизайнчилари кенгаши» кабилардир.

Ҳар йили Мустақиллик, Наврўз байрамлари, Хотира ва қадрлаш куни арафасида вилоят ОАВларида узоқ йиллар ишлаб, ҳозир қарилик таътилида бўлган устозлар, бемор, кам таъминланган ҳамкасблардан хабар олиш, улар кўнглини кўтариш тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ижодий уюшма вилоят бўлими томонидан ишлаб турган журналистлар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни ижодий руҳлантириш мақсадида касаба уюшмалари вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ўтган беш йил мобайнида 80 нафар журналистга «Чимён» санаторийсига бепул йўлланма берилди.

Албатта бу каби ишларда юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими жамоасининг ҳам катта ўрни бор. Шу боис ҳеч муболағасиз Фарғонада журналистика тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бораяпти, десак янглишмаган бўламиз.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси томонидан иқтисодиётнинг реал шўъбаси корхоналарининг молиявий барқарорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Ўтган йили бошланиб, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб бораётган жаҳон молиявий инқирози дунё ҳамжамияти олдига кун сайин янги-янги муаммоларни, саволларни қўяётгани сир эмас. Мазкур иқтисодий бўҳронлар жаҳон молия тизимининг ҳали у қадар мукаммал эмаслигини ошкор этиб қўйди. Дунёдаги энг йирик молиявий институтлар, муассасаларнинг таназзулга юз тутаётгани бунинг исботидир.

Эндиликда энг тажрибали халқаро эксперт ва мутахассислар ҳам бу иқтисодий инқирознинг олдини олиш ёки иқтисодий кўрсаткичлар бўйича аввалги марраларга қайтишни уддалай олишмаяпти. Тўғри, молиявий инқирознинг таъсирини камайтириш, иложи борича уни бартараф этиш борасида бош қотирашаяпти. Бу иқтисодий кескинлик 2011 йилгача давом этиши мумкин деган башоратлар эса, ҳар бир давлатни, ундаги молиявий ташкилотларни янада сергак торттирмоқда, десак янглишмаймиз. Албатта, бугун бутун дунёда алоҳида эътироф этилган ҳолда таъкидланаётганидек, бу иқтисодий бўҳронларнинг таъсири юртимизда у қадар сезилмаяпти. Лекин бундан хотиржамликка берилмаслик даркор. Қўлга киритилаётган ютуқлар эса аввало Юртбошимиз ўзининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида қайд этганидек "Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғли барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ..."

Жумладан, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ТИФ Миллий банки кредит портфели ҳажми 2265,6 млрд. сўмни ташкил этди. Молиявий муассасанинг 2009 йилга мўлжалланган кредит сиёсатига мувофиқ кредитлар иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш ва янги юксак самарадор ишлаб чиқаришларни жорий этишга доир чора-тадбирларни молиялашга, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, чет элдан келтириладиган истеъмол моллларининг ўрнини боса оладиган, маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлашга асосланган истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилди.

Жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш юзасидан Инқирозга қарши дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, капиталлаштириш даражасини янада кўпайтириш ва иқтисодиётнинг реал шўъбаси корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида йил бошидан буён хорижий валютада 316,8 млн. АҚШ долларидан ортиқ ва миллий валютада 519,9 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар берилгани ҳам бу борада нечоғли катта ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, хорижий банкларнинг қайта молиялаштирилган манбалари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш ва кредитлаш ишлари ҳам юқори суръатларда давом эттирилмоқда. Жумладан, йил бошидан буён Миллий банк умумий суммаси 3,13 млрд. АҚШ долларига (эквивалентда) 106 та инвестицион лойиҳа бўйича 142 хорижий кредитга хизмат кўрсатди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастури доирасида бир қанча хорижий банклар ва молия муассасаларининг, республика бюджетидан ташқари жамғармаларининг маблағларини ва ўз маблағларини ўзлаштириш ҳисобидан лойиҳаларни кўриб чиқиш ва молиялашга қабул қилиш ишлари олиб борилди. Бунинг натижаси ўлароқ, айни пайтда қиймати 504,8 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 229 та лойиҳа молиялашга қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармонлари инвестицияларни жалб этиш соҳасида муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, бугунги кунда хорижнинг юксак технологик ускуналари билан жиҳозланган бир қанча иқтисодий ночор корхоналарнинг мулки банк балансига қабул қилинмоқда. Ўз вақтида келиб тушган инвестициялар корхоналарни тўлиқ ишлаб чиқариш қувватига ўтказиш, чиқарилаётган маҳсулотни жаҳон сифат андозаларига жавоб берувчи ва ниҳоятда харидоргир бўлган замонавий дизайнини ишлаб чиқиш, шунингдек, қўшимча иш ўринларини яратиш имконини бераяпти.

Қайтадан ташкил этилган корхоналар банкнинг иккита инвестиция шўъба компанияси — "NBU Investment" ва "NBU Invest Group" компаниялари бошқарувига топширилди. Айни пайтда 23 та иқтисодий ночор корхона Ўзмиллийбанкнинг юқорида қайд этилган инвестиция компаниялари бошқарувига ўтказилди, мазкур корхоналар ишлаб чиқаришини тиклаш ҳамда уларни модернизациялаш ва зарур сармоя билан таъминлаш учун 14 млрд. сўм миқдоридаги маблағ ажратилди. Бунинг натижасида ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш тикланди, 22 млрд. сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди, 11,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Корхоналарда 3366 иш ўрни яратилди.

Молиявий муассаса ва унинг бўлимларида таклиф этилаётган маҳсулотларни такомиллаштириш ва фуқароларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янги маҳсулотларни жорий этиш йўли билан омонатчиларни жалб қилиш ва уларнинг ҳисобварақларидаги қолдиқларни кўпайтириш ишлари ҳам жадал давом эттирилмоқда. Хусусан, омонат операциялари бўйича амалга оширилган ишлар натижасида банкдаги жисмоний шахсларнинг сўм эквивалентидаги депозитлари ҳажми жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 32 млрд. сўмга ўсиб, 289 млрд. сўмни ташкил этди.

Маълумки, ҳозирги кунда банк тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг тараққиёти пластик карточкалар билан боғлиқ. Молиявий хизматнинг ушбу туридан фойдаланиш жуда қулай, ишончли эканини мижозлар яхши билишади. Шу боисдан молиявий муассаса ходимлари аҳоли ўртасида бу борада кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Натижада, аҳолининг бўш турган маблағларини жалб этишда пластик карточкалар воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими муҳим ўрин эгалламоқда.

Пластик карточкалар воситасидаги ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган мақсадли параметрларни ижро этиш юзасидан жорий йил бошидан буён 322,8 минг та карточка муомалага чиқарилди ва уларнинг умумий сони 1 642 мингтага етди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг бу замонавий усули орқали амалга оширилган операциялар ҳажми эса 339,4 млрд. сўмни ташкил этди. Шунингдек, республиканинг савдо-маиший хизмат корхоналарида 5 220 та савдо терминали ўрнатилди. Савдо-маиший хизмат корхоналарида, банк муассасаларида ўрнатилган терминаллар умумий миқдори эса 5341 тани ташкил қилди.

Бундан ташқари, "Western Union", "MIGOM", "Быстрая почта" тизимлари орқали тезкор пул ўтказмалари амалга оширилмоқда. "Азия Экспресс" тизими орқали эса "CONTACT", "Юнистрим" ва "Лидер" тизимлари ёрдамида вакил банклар тармоғидан фойдаланган ҳолда пул ўтказмаларини амалга ошириш ишлари ҳам жадаллик билан давом эттирилмоқда. Шу билан бир қаторда аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ишлари ҳам олиб борилди. Масалан, коммунал ва бошқа хизматлар учун 66,7 млрд. сўм миқдорида тўловлар қабул қилинди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар кўп демакдир.

Юртимизнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларини чуқурлаштириш, мамлакат иқтисодиётига инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этиш юзасидан молия муассасаси зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзмиллийбанкнинг вакиллик тармоғи ҳозирги кунда 615 банкни, шу жумладан 587 хорижий банкни қамраб олган. Хусусан, Ғарбий Европа, АҚШ ва Осиёнинг етакчи банклари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва жаҳон молиявий инқирозининг банк тизимига таъсири масалалари бўйича бир қанча музокаралар ўтказилди. Шунингдек, Миллий банк Ислом хусусий шўъбани ривожлантириш корпорацияси ва Корея Эксимбанки билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун кредит йўналишларини ажратишга доир қарз битимларини имзолади. Бундай битимлар банклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни муваффақиятли равишда кенгайтириш ҳамда экспорт-импорт операцияларини қўллаб-қувватлаш, лойиҳалар ва савдони молиялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имконини беради.

Мухтасар қилиб айтганда, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўз мижозлари, тадбиркорлик субъектларининг ишончли ва юқори сифатли банк хизматларига бўлган талабларини қондириш, аҳоли қўлидаги ортиқча пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ва уларни иқтисодиётимизнинг реал соҳаларига йўналтириш орқали мамлакат иқтисодиёти ривожига самарали ҳисса қўшиш йўлида изчил фаолият юритаяпти. Зеро, буни бутун дунёда кечаётган оғир иқтисодий вазиятда ҳам қўлга киритилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган туб ўзгаришлар тасдиқлаб турибди.

Иномжон АБДИЕВ, "Hurriyat" мухбири. ®

САЙЛОВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбек ва рус тилларида босмадан чиққан мазкур нашр сайлов ҳақидаги кенг қамровли тушунчаларга, бой маълумотларга, янгиликларга тўла экани билан аҳамиятлидир. Жумладан, Ахборотноманинг илк саҳифаларидан ўрин олган Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломовнинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари" сарлавҳали мақоласи кўпчиликнинг қизиқишини уйғотиши шубҳасиз. Муаллиф ўз мақоласида бугун юртимизда қизғин кечаётган сиёсий воқеаларга ўз муносабатини билдириш билан бирга сайловни адолатли ва одилона ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилаётганини аниқ мисоллар ва рақамлар асосида келтиради.

Ахборотноманинг кейинги саҳифаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатлар, қарорлар ҳам ўрин олган. Шунингдек, ушбу нашрда кўплаб хорижий эксперт ва мутахассисларнинг мамлакатимиз сайлов тизими, юртимиздаги сиёсий партияларнинг фаолияти, сайлов қонунчилиги борасидаги фикрлари ҳам жамланган. Мазкур нашрнинг сўнгги саҳифаларида эса сайловни ўтказиш учун 2008-2009 йилларда амалга оширилган улкан ишлар қисқа хабарлар тарзида эълон қилинган. Ўйлаймизки, бу кўпчиликда қизиқиш уйғотади.

Азим БАҲОДИР

Диққат, танлов!

"Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида"

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида мазмундор ва сифатли ёритилишига эришиш мақсадида **«АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ: ОАВ НИГОҲИДА»** кўрик-танлови ўтказилади. Ушбу танловда журналистлар билан бир қаторда ҳуқуқшунослар ҳам иштирок этиш имкониятига эга.

Танловга иштирокчилар томонидан тақдим этилган 2009 йилнинг 1 февралидан 1 декабригача бўлган даврда газета, журнал, интернет-нашрларида эълон қилинган ўзбек, рус ёхуд қорақалпоқ тилидаги мақолалар, телевидение ва радиода эфирга узатилган материаллар ёзилган аудиокассеталар қабул қилинади.

Тақдим қилинган материаллар қуйидаги мезонларга кўра танланади:

а) ёритилаётган масалаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини очиш даражаси ва унинг мазмуни;

б) материалнинг мавзуга доир ва тушунарли берилиши;

в) материалнинг жозибадор ва ўзига хос берилиши;

г) материалларда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар аҳамиятининг кенгроқ очиб берилиши;

д) "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили муносабати билан миллий қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аҳамияти;

е) тизим таркибига кирувчи муассасалар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаси ҳақида;

ж) қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ҳамда кенг жамоатчиликка уларнинг моҳияти ва мақсадларини халқчил тилда етказиш.

Кўрик-танлов ғолиблари қуйидаги номинациялар бўйича тақдирланади:

1. «Энг яхши телелавҳа»
2. «Энг яхши радиоэшиттириш»
3. «Энг яхши мақола»
4. «Энг яхши интернет материали»
5. «Энг яхши видеоролик».

Ғолибларни ушбу совринлар кутмоқда:

1. 3 та биринчи ўрин учун рангли телевизор
2. 3 та иккинчи ўрин учун диктофон
3. 3 та учинчи ўрин учун DVD магнитофон
4. 1 та энг яхши интернет материали учун фотоаппарат
5. 1 та энг яхши видеоролик учун рангли телевизор.

Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танловда иштирок этиш учун материаллар 2009 йилнинг 1 декабригача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (998-71) 233-39-84, Факс: (998-71) 233-39-84 E-mail: press@minjust.gov.uz

АВВАЛИ

Тошкандда китоб нашр қилиш бошланди

Ва мундин бошқа Тошканд шаҳрида ниҳоятда хушхат ва хушнавис яхши ва манфаатлик китобларни чоп қила бошлайдур. Мундин муқаддам Тошканд шаҳрига ва Туркистон вилоятларига чопма китоблар Ҳиндистон мамлакатидин ва михбосма китоблар Қозон шаҳридин келар эди. Алҳол бул тариқа китоб Тошкандда чоп бўлуб ва мазкур вилоятлардин келадургон чоп китоблардин неча даражада хушхат ва равшан ва саҳиҳ бўлубдур. Чунончи Ҳиндистон мамлакатидин чоп бўлуб келган "Тарихи Табарий" ва "Салаватун Маъсуди" китобларини ғалат фахш бўлуб тасҳиҳ қилинмаган сабабидин ўқуб бўлмай, балки анинг ўқумоқда ҳам муддао ҳосил бўлмас эди. Аммо ушбу вақтда Тошканд шаҳридағи Илин босмахонасида тошкандлик бўлуб ўтмиш қози Раҳимхўжа эшон Алихўжа ўғли мундин илгари қилган "Назми мухтасар"ини қайтадин дурустлаб ва тасҳиҳ айлаб яхши қоғоз илан хал жадвал ва сархинлик қилиб ниҳоятда зебо ва чиройлик ва хушхат ва равшан чоп қилдирубдур. Ва китоб "Салавати Маъсуди"ни ҳам ниҳоятда хушхат ва яхши қоғозда эҳтиёт илан тасҳиҳ айлаб кўб адад чоп қилдирубдур. Бул ики хил китобни бул тариқа очуқ ва равшан хатлик илан ҳеч бир шаҳарда чоп бўлганлиги бул вақтғача кўрулмагандур. Дарҳақиқат, мазкур китобларни кўруб ўқуган вақтда ҳар қандай одам қўлдин қўймасам деб айтса керак. Ва мазкур китоблар шул тариқа яхши ва куб сарфлик бўлса ҳам баҳоси арзон экан. Чунончи бир юз ададдин кўброқ оладурган одам бўлса бир дона "Салаватун Маъсуди" 3 сўмдин ва бир дона "Назми мухтасар" ики сўм 50 тиндин сотилар экан.

"Туркистон вилоятининг газети" 7 январь 1904 йил.

Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИ

«БАХТЛИ АЁЛ ДЕСА ҲАҚЛИ ХАЛОЙИҚ»

Инсон боласига на замон, на давр танлаш ҳуқуқи берилган. Ўзбек заминига ўн тўққиз ёшида қадам қўйган уйғур қизи Шоҳида Шоҳимардоновнинг бутун ҳаёти, ижодий камолоти Ўзбекистонда кечди.

Бугун муборак ёшга қадам қўйган бу ижодкор аёл тақдирида туб бурилишлар ясаган қатор ижтимоий-сиёсий воқеаларга қарамай, ўзининг шахс сифатида шаклланиши, уйғур элининг биринчи бастакор аёли деган номга сазовор бўлишини даврнинг ажойиб туҳфаси деб қабул қилади. У Юртбошимизнинг фармонига кўра 1993 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», 1998 йили «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.



БОЛАЛИК

Ғўлжа шаҳри. Минг тўққиз юз қирқ биринчи йилнинг ойдин баҳор кечаси. Уч ёшли қизалоқ қийқимлардан ясалган қўғирчоғини бағрига босиб, тўлин ойга термилиб, онасининг бағридан чиқмай унинг маъюс қўшиқларига жимгина қулоқ тутиб ётибди. Сўзана тикаётган онаси жуда гўзал аёл, лекин унинг қўшиқлари ҳасратли эди. Нега шундай? У ҳали тушунмайди.

Шоҳидага кўпроқ онасининг эртаклари ёқарди. Уларнинг ҳаётига сира ўхшамайдиган нақадар сирли, сеҳрли эртаклар! Уларни тинглагиси келаверарди, лекин эртакнинг энг қизиқ жойига келганида ухлаб қоларди...

Шундай кунлардан бирида онаси унга ўзлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Бу ҳикоя илгариги эртакларга сира ўхшамас, ғамгин ва устига-устак қўрқинчли эди. Қизалоқ қўрқиб, онасининг қучоғига кириб олди. Шунда онасининг юзлари нам эканини, сассиз йиғлаётганини англади.

Қизча бу ҳикоянинг ҳамма қисмига ҳам тушунмади. Фақат жажжи қалби билан шуни англадики, илгари улар бу ердан жуда-жуда узоқ шаҳарда — Қашқарда яшашган экан. Тянь-Шань тоғ бағрида, ям-яшил боғу роғлар қўйнидаги бу шаҳар карвон йўллари бўйида жойлашгани учун хорижий банклар, савдо биржалари ҳам фаолият юритадиган, Хитойнинг йирик маданий-маъмурий марказларидан бири экан. Шу катта шаҳарда 1934 йили икки ёш — Россия тиббиёт институтларидан бирини тугатиб, жарроҳ бўлиб ишлаётган Алиохун Шоймардонов ва Салимахон (унинг онаси — И.Р.) исмли қиз турмуш қурадилар. Бир йилдан сўнг туғилган қизларига Ҳамидахон деб исм қўядилар. Уч йилдан сўнг 1938 йилнинг 26 ноябрида оилада яна бир қизалоқ дунёга келди. Бу — Шоҳида эди. Оиладаги қувончли кунлар эса узоққа чўзилмапти...

Гаминдон Хитойи ва собиқ Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар таранглашиб, бу ҳар иккала мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатибди. Оддий одамлар тушуниши қийин бўлган воқеа-ҳодисалар юз бериши натижасида қандайдир сирли ҳаракатлар авжига олиб, таниқли кишилар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари номаълум тарзда ғойиб бўла бошлабди. Шаҳарда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида хотинига тўлқинланиб сўзлаган Алиохун эрта-индин бу савдо ўзининг ҳам бошига тушишини хаёлига ҳам келтирмагани аниқ. Кўп ўтмай, аниқроғи декабрь ойининг ўрталарида унинг ўзи ҳам ишга кетганича қайтмабди. Эрини сўроқлаб, жуда кўп жойга мурожаат қилган ёш жувоннинг аниқ жавоб олишининг иложи бўлмабди. Фожиа ортидан яна бир фожиа юз бериб — отасига ичикиб, жажжи Ҳамида ҳам оламдан ўтади.

Қийин иқтисодий аҳволга тушиб қолган Салимага танишлар бу шаҳарни тезлик билан тарк этишни маслаҳат берадилар. Аёл қўлида чақалоғи билан ўттиз кун йўл босиб, Ғўлжа шаҳрига етиб келади ва эрининг собиқ синфдоши Ёсун Иброҳимов хонадонига жойлашади.

Ҳаёт Ғўлжада ҳам ниҳоятда оғир эди. Яхшики, Салимахоннинг чеварлиги қўл келиб, у маҳалланинг хотин-қизларини гулдек қилиб ясатиб қўйиши эвазига иқтисодий аҳволини бирмунча яхшилашга эришади.

Шоҳида бу ҳикоя орқали иккалаларига ҳам ниҳоятда ғамхўр Ёсун ўз отаси эмаслигини англади. Ўшанда у уч ёшда эди.

Маҳалла оқсоқоллари маслаҳатлашиб, Салима билан Ёсунга турмуш қуришни, ҳаёт аравасини бундан сўнг бирга тортишни маслаҳат берганларида, Салима энг аввало, розиликни қизалоғидан сўради. Табиийки, Шоҳида Ёсунга ўрганган эди, шунинг учун қалбида бу оилапарвар одамга нисбатан ҳеч қандай рашк чўғини сезгани ҳам йўқ. Қолаверса, унинг келгуси ҳаётида бу инсон беқиёс роль ўйнади. Саводини чиқарган ҳам, етти ёшида араб алифбосини ўргатган ҳам шу инсон эди.

Қизчанинг энг катта қизиқиши эса мусиқа олами билан боғлиқ эди. Айниқса, катталар билан бирга машрабхонлик кечаларига қатнаш унга ёқарди. Ўша кечаларда у ўн икки уйғур муқоми борлигини эшитди. «Жангнома», «Чор-Дарвеш», «Юсуф ва Зулайҳо», «Ғариб-санам», «Ёчибек», «Умар ботир», «Тоҳир ва Зуҳра», «Минг бир кеча» каби эртакларнинг мазмун-моҳиятини бир умрга ёдида сақлаб қолди.

ТАЪЛИМ ЙИЛЛАРИ

Шоҳидани биринчилар қаторида Ғўлжа шаҳрида очилган давлат умумтаълим мактабига қабул қилдилар.

«Араб алфавитини яхши билганим учун менга бу ерда ўқиш ҳам осон, ҳам қизиқарли эди. Синфдан-синфга фақат фахрий ёрлиқ билан кўчардим. Таътил даврида эса Тўхтахон буви деган кампирнинг уйига қатнар ва муқаддас Қуръон сураларини ёдлардим. Бу бизнинг шароитимизда ҳар бир мусулмон йигит-қиз учун мажбурий саналарди».

Зеҳнли ва зукко Шоҳида мактабда ташкил этилган этнография ҳаваскорлик ансамблининг ҳам фаол аъзоларидан бири эди.

Шу алфозда йиллар ўтиб у ўн икки ёшга етди. Шоҳиданинг ўқишни давом эттириши учун отаси уни Урумчи шаҳрига олиб кетди.

Шоҳиданинг мактабдаги тавсияномаси ҳамда мусиқа бўйича билимларини текшириб кўриб, унга Урумчи давлат университети раҳбарияти санъат бўлимида ўқишни тавсия қилдилар ва бу масалада қизнинг ота-онаси билан ҳам суҳбатлашдилар.

«Биз — қирқ талаба ўқишни бошладик. Мен дутор ва ашула бўлимида ўқирдим. Булардан ташқари талабалар учун мажбурий саналган фортепиано, вокал-инструментал ва рақс ансамбларига қатнашардим. Устозим ҳофиз Абдукарим Розиев барча мусиқий асбобларда куйларни яхши ижро этар, қўшиқ айтар, уйғур фольклори, айниқса, ўн икки уйғур муқомларининг билимдони эди. Айнан унинг дарсларида биз санам жанрининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида эшитдик.

Шоҳида дунёқарашининг шаклланишида фалсафа ва тарих ўқитувчиси Абдушукур Муҳаммадэминнинг ҳам бениҳоя катта таъсири бўлди. Дунё адабиёти ва санъати билимдони бўлган муаллим ўз маърузаларида Ғарб ва Шарқнинг буюк композиторлари, шоирлари ва рассомлари ҳақида қизиқарли ҳикоялар сўзларди.

Кунларнинг бирида у Шоҳидадан:

— Қизим, композитор бўлишни истайсанми? — деб сўради.

Қиз бу сўзни биринчи бор эшитиши эди, шунинг учун:

— Шундай касб борми? — деб елкасини қисди.

Шунда муаллим қизда бастакорлик қобилияти борлигини, бунинг учун аввал консерваторияда ўқиши зарурлиги, бу йўл қанчалик машаққатли, мураккаб бўлмасин, Шоҳида бунга ҳаракат қилиши зарурлигини айтди.

Шундай тарзда ҳаётнинг ўзи Шоҳидани катта санъат чорраҳаси сари шиддат билан олиб чиқа бошлади. 1957 йили у ўқишни давом эттириш мақсадида Ўзбекистонга келди.

ТОШКЕНТДА

1957 йилнинг жазирама ёзи. Шарқнинг гўзал ва катта шаҳарларидан бири Тошкент бағрига кириб келган ўн тўққиз ёшли навниҳолгина қиз атрофи ям-яшил дарахтлар билан ўралган бино олдида тўхтади. Бу Тошкент давлат консерваторияси эди.

«Қабул комиссияси аъзолари мени дўстона кутиб олишаркан, мустақил ишларимни кўрсатишимни сўрашди. Қўшиқ ва рақс оҳангларимни тинглагач, уйғур халқ музикаларидан бирини дутарда ижро этиб бердим. Композиция бўйича ўқишнинг оғирлигини назарда тутиб, мени икки йиллик тайёрлов курсларига олишди».

Икки йиллик таълим, рус тилини ўрганиш, мусиқий-назарий, тарихий ва ижтимоий-тарихий дарслар, шунингдек, мусиқали асарлар бўйича турли шакл ва жанрдаги асарлар ёзиб, у кириш имтиҳонларисиз 1959 йили консерваторияга қабул қилинди.

1964 йили Шоҳида Тошкент давлат консерваториясини тугатиб, ўз она юртига қайтиш тараддудини кўра бошлади. Афсуски, Хитойда 60-йилларда бошланган маданий инқилоб яна маданият ва санъатга дахлдор одамлар тақдирига таҳдид сола бошлади. Хориждан келтирилган барча маънавий бойликлар буржуа мафкураси сарқити саналиб, йўқотила бошланди.

Бастакор қиз ота-онасининг тавсияси, маслаҳатларига кўра Тошкентда қолиб, ўз фаолиятини шу ерда давом эттиришга аҳд қилди.

МУСТАҚИЛ ИЖОД ЙЎЛЛАРИ ВА ОИЛА ҲАҚИДА

У ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон радиосида муҳаррирликдан бошлади. Радиодаги ижоди унга шу қадар манзур эдики, санъат усталари билан бўладиган учрашувлар, суҳбатлар, мухлислар эътибори — буларнинг ҳаммасидан олам-олам завқ оларди. Шу билан бирга у ўз устида янада жиддий ишлаши кераклигини ҳам унутмади. Шу тарзда консерватория аспирантурасига ўқишга тайёргарлик кўра бошлади. 1966 йили чолғули оркестр учун ёзилган симфониеттасини тақдим қилиб, Шоҳида консерватория аспирантурасига қабул қилинди.

Аспирантурада таҳсил олаётган йилларида у Иккинчи жаҳон уруши қурбонларига бағишлаб симфония ёзди ва 1968 йили композиторлар уюшмасига аъзоликка қабул қилинди.

Бу аёлда Шарқ аёлларига хос бўлган ажойиб бир хислат бор. Бу — истеъдоди қанчалик ёркин бўлмасин, ўзини оиласиз бекамукўст ҳисоблай олмайдиган аёл феълидир. Шоҳида Шоҳимардонованинг турмуш қуришига ўзбек халқининг машҳур аёлларидан бири шоира Зулфия сабаб бўлди. У Шоҳидани Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультети студенти Ҳамидхон Исломий билан таништирди. Ёшлар ўртасидаги муҳаббат илк учрашув, илк нигоҳданоқ бошланди.

Кўп ўтмай, 1967 йил уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Бу икки ёшнинг ниҳоятда чиройли оила қурганига ҳамманинг ҳаваси келарди. 1970 йил оилада бирданига иккита қувончли воқеа юз берди — илк фарзанд — Ипаргул дунёга келди. Худди шу йили Шоҳида Шоҳимардонова аспирантурадаги таҳсилини ҳам тугатди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бастакорлик касби аёллар учун анчайин машаққатли ҳисобланади. Мусиқа яратиш йўл-йўлакай иш эмаслиги, бу соҳада маълум даражадаги муваффақиятларга эришиш учун доимий изланиш зарурлиги, булар эса ўз ўрнида жуда катта вақт, тафаккур ва салоҳиятни талаб қилиши ҳеч кимга сир эмас. Тиниб-тинчимас бастакор аёл 1974 йили яна бир фарзандли бўлишига қарамасдан, кўп ўтмай, Зулфия шеърларига ёзган «Шарқнинг эркин аёли» номли беш қисмли кантатасини эълон қилди.

1972 йили Тошкент Давлат консерваторияси қошида шарқ кафедрасининг ташкил этилиши Шарқнинг буюк мусиқий алломалари меросини ўрганиш учун катта имкониятлар эшигини очди. Кафедра раҳбари профессор Файзулла Кароматли уни ҳам педагоглик фаолиятига таклиф қилди. Талабаларга Шарқ мусиқий меросидан сабоқ берган Шоҳида Шоҳимардонова ўн икки уйғур муқомлари нотасини кўчиришга муваффақ бўлди.

Шоҳида Шоҳимардонованинг лирик қўшиқлари кўплаб таниқли хонандалар томонидан ижро этилган. Унинг Туроб Тўла шеърига ёзилган «Юлдузлар» номли қўшиғи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отахон Раҳимов, «Ўн саккиз ёш қўшиғи» Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Шарипова репертуаридан муносиб ўрин олган эди. Қатор қўшиқлари дуторчи қизлар ансамбли томонидан ижро этилди.

Сўнгги йилларда бастакор Шоҳида Шоҳимардонова Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова билан ижодий ҳамкорлик қилмоқда. Наврўз байрамига бағишлаб ёзилган «Наврўз» қўшиғи (Омон Мухтор сўзи) хонанда томонидан ижро этилиб, катта олқишларга сазовор бўлди.

Гўзал қалб соҳибаси, матонат ва ирода рамзи бўлган шоира Зулфия шеърлари Шоҳида Шоҳимардоновани бир умр ҳайратга солган.

Мендай аёл бахтига тақдир
Маликани кўрганму лойиқ?!
Халқ меҳрига ёрман,
эл шуҳратига
Бахтли аёл деса
ҳақли халойиқ.

У шоиранинг ушбу шеърини ҳам куйга солиб, Муяссар Раззоқовага тортиқ қилди. Ўзи эса ушбу сатрларни ҳар гал ўқиганида, ўз тақдири ҳақида ўйлайди. Ахир у отасидан ёш етим қолиб, тақдирнинг кутилмаган зарбаларини елкасига ортиб, бутун умри давомида ўз бахти, саодати учун курашмадими?! Ва ушбу курашларда ғолиб чиқмадими?!

Шуларга қарамай, у ҳаётда камтарликни хуш кўрувчи инсон.

"Мен ўз касбимни қанчалик севмай, барибир унга бўлган муҳаббатимдан кўра оилага бўлган муҳаббатимни устун қўяман. Шунинг эвазига эришган бахтимни эса ҳеч нарсага алишмайман. Турмуш ўртоғимнинг шарқ илми билимдони сифатида яқин орада ўзининг докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши, фарзандларим — компьютер технологиялари бўйича мутахассис — Ипаргул, тележурналист — Дилдор, телереклamалар режиссёри — Элчиннинг камоли, набираларим — Шаҳноза ва Заринанинг ҳаётга тетапоя қилишларини кўриш — бу менинг бахтим!

Бир инсонга бундан ортиқ нима керак!»

Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА,
санъатшунослик фанлари номзоди.

БАРЧА ҲУЖЖАТЛАР ТАХТ



Россия ва Грузия икки давлат ўртасидаги «Юқори Ларс» назорат-ўтказиш пунктини очишга қарор қилишди. Бу борадаги музокаралар Арманистон воситачилигида олиб борилди. Ушбу назорат ўтказиш пункти икки мамлакатни тўғридан-тўғри боғлайдиган ягона йўл ҳисобланади. Қолган барча ўтказиш-назорат пунктлари Абхазия ва Жанубий Осетия ҳудудларида жойлашган.

«Коммерсант» газетасининг ёзишича, «Юқори Ларс» 2006 йилда россиялик зобитлар Грузия томонидан қамоққа олингандан сўнг таъмирлаш баҳонасида ёпилган эди. Ҳозирда уни қайтадан очиш учун барча ҳужжатлар тайёр. Буни икки давлат ташқи ишлар маҳкамалари ходимлари ҳам тасдиқлашди.

ЖАНГАРИЛАР ҚУВИБ ЧИҚАРИЛДИ



Саудия Арабистони ҳарбийлари Яман билан чегарадаги тоғли ҳудудлардан жангариларни қувиб чиқаришга муваффақ бўлди. Бу ҳақда мамлакат мудофаа вазири ўринбосари, шахзода Холид бин Султон бин Абдул-Азиз баёнот берди. Унинг таъкидлашича, саудиялик ҳарбийлар жангариларни ўз ҳудудидан қувиб чиқарган, лекин Яман ҳудудига бостириб кирмаган.

Маълумки, жорий йилнинг 3 ноябрь куни яманлик жангарилар Саудиянинг Жабал ал-Духан туманига бостириб кирган эди. Саудиялик аскарлар ва жангарилар ўртасидаги тўқнашувда уч нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган, 15 нафари жароҳатланган, тўрт аскар бедарак йўқолган.

Эслатиб ўтамиз, 2004 йилдан буён Яманда фуқаролар уруши давом этмоқда. Шу даврда 150 минг киши мамлакатни тарк этди. Яманда «Хизбаллоҳ», «Ал-Қоида» каби террорчилик гуруҳлари жангарилари ўрнашиб олган.

ЖУНСИЗ АЙИҚЛАР



Германиянинг Лейпциг шаҳридаги ҳайвонот боғида сақланаётган Долорес (15 ёшда) ва Лолита (11 ёшда) номли айиқчаларнинг кутилмаганда жуни тўкилиб кетди. Ҳайвонот боғи ходимлари нега бундай ҳолат юз берганини билолмай ҳайрон. Аммо дастлабки тиббий текширувларда айиқлар соғлом экани аниқланди. Лекин улар қишда совқотиб қолиши мумкин.

Айиқларнинг жуни тўкилиши ҳайвонот боғига келувчиларни кўпайтирди. Чунки жунсиз айиқларни кўришга ишқибозлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Ушбу айиқлар Лейпцигга Жанубий Америкадан олиб келинган эди.

ПОКИСТОНДА ЯНА ХУНРЕЗЛИК



Покистоннинг Пешавор шаҳридан 16 километр жанубда жойлашган Адази туманидаги бозорда террорчи ўзини портлатиб юборди. Натижада 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 20 нафар тинч аҳоли турли даражада тан жароҳати олди.

Associated Press хабарида айтилишича, террорчиларнинг мақсади туман маъмурияти биносини портлатиш бўлган. Маъмурият биноси бозор ёнида жойлашгани учун портлаш бозорда амалга оширилган. Дастлабки хабарларга қараганда, маъмурият раҳбари Абдул Малик жароҳатланган. AFP эса Абдул Малик ҳалок бўлгани тўғрисида хабар тарқатди.

Сўнгги ҳафтада кетма-кет ҳужум ва террорчилик актлари туфайли 300 нафардан кўпроқ тинч аҳоли ва мамлакат хавфсизлик хизмати ходимлари ҳалок бўлди.

РАКЕТА СИНОВИ



Россиялик ҳарбийлар Баренц денгизидаги "Брянск" атом сув ости кемасидан қитъалараро баллистик ракета учиришди. РИА "Новости" хабарига қараганда, ракета мўлжалланган жойга аниқ бориб тушган. Хабарда отилган ракетанинг русуми айтилмаган. Аммо "Брянск" сув ости кемаси РСМ-54 "Синева" ракеталари билан қуролланган.

«Брянск» 1988 йилда сувга туширилган ва Россиянинг Шимолий флоти таркибига киради. Бундан сал олдинроқ "Дмитрий Донской" кемаси томонидан "Булава" ракеталари синовдан ўтказилгани тўғрисида хабар тарқатилган эди. Шу пайтгача ушбу ракета 11 марта синаб кўрилди. Улардан бештасининг парвози муваффақиятли тугади.


ЭКОЛОГЛАР ХАВОТИРИ



Австралиянинг шимоли-ғарбий қирғоқларидаги Тимор денгизида Таиланднинг PTT Exploration & Production компаниясига қарашли нефть платформаси ёниб кетди. Reuters хабарига қараганда, платформа бундан бир ҳафта олдин ёрилган ва ундан денгизга 28 тонна нефть тўкилган. Кейин бу нефть ёниб кетган.

Ёнғин экологларни ташвишга солмоқда. Уларнинг гапига қараганда, ёнғин китлар, дельфинлар, тошбақа ва денгиз илонлари яшайдиган жойда содир бўлган. Ёнғинни ўчириш ва тўкилган нефтни йиғиштириб олишга 300 киши жалб этилган. Мутахассисларнинг фикрича, кўрилган зарар миқдори 162 миллион долларни ташкил этади.

ҚАРЗДАН ҚУТУЛИШ ЙЎЛИ




Вильнюс мэрияси шаҳар маъмурияти жойлашган 20 қаватли бинони сотишга қарор қилди. "Интерфакс" хабарида айтилишича, сотувдан тушган пул шаҳар ҳукуматининг қарзларини тўлашга сарфланади. 2004 йилда 74 миллион лит (31 миллион доллар) сарфланиб, қуриб битказилган бинони сотиш ғояси вице мэр Гинтаутас Бабравичюсдан чиқди. Унинг айтишича, шаҳар маъмурияти алоҳида бинога муҳтож эмас.

Мэрия маъмурияти директори Витаутас Миленас ушбу хабарни рад этган бўлса-да, REGNUM ахборот агентлиги аниқ далиллар асосида бино чет эл компаниясига сотилаётганини хабар қилди. Маълумотларга қараганда, шаҳар ҳукуматининг қарзи кун сайин ошиб бормоқда. Масалан, мэрия фаррошларнинг ўзидан 23 миллион лит қарздор.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ГРИПП

Украинада H1N1 гриппи эпидемияси тарқалгани туфайли ёшларни ҳарбий хизматга чақириш муддати икки-уч ҳафтага кечиктирилди. Бу ҳақда мамлакат мудофаа вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Игорь Халявинский маълумотига асосланиб, "Интерфакс" хабар тарқатди.

ДАРАКЛАР



Украина ҳарбий кучлари тиббий хизмати бошлиғи Петр Мельникнинг таъкидлашича, армияга чақирилган йигитлар ҳозир карантинда. Улар чўчқа гриппи вируси бўйича тиббий кўрикдан ўтгандан сўнг чақирилади.

Мамлакатда одатдаги грипп чўчқа гриппидан ҳам хавфли тус олмоқда. Украина ФВВ матбуот хизмати маълумотларига асосланиб тарқатилган хабарда айтилишича, шу кунгача грипп туфайли 109 киши вафот этган. Бутун мамлакат бўйича эса 762 минг 835 киши грипп эпидемияси билан оғриган. Уларнинг 33 минг 979 нафари касалхоналарга жойлаштирилди.

Украина парламенти гриппга қарши кураш учун бюджетдан бир миллиард гринва ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мамлакат чегаралари вақтинча ёпилди.

КРЕДИТ БЕРМОҚЧИ



Европа комиссияси ЕИ кенгашига Украинага 500 миллион евро кредит ажратиш таклифи билан мурожаат қилди. Бу ҳақда ЕИ матбуот хизмати хабарида айтилган. Ушбу маблағ Украинанинг Халқаро Валюта Фонди билан биргаликда ишлаб чиқилган мамлакатни инқироздан олиб чиқиш дастурини бажаришга ишлатилиши керак.

Маълумки, ЕИ Украинага 2008 йилда ҳам 16,5 миллиард евро кредит ажратган эди. Ушбу маблағнинг 10,5 миллиарди аллақачон Украина банклари ҳисобига келиб тушган. Хабарларда айтилишича, расмий Киев кредитнинг катта қисмини 2010 йилга келиб олади. Бу маблағнинг асосий қисми мамлакат газ саноатини модернизация қилишга сарфланиши лозим.

ХИТОЙДА ЯНГИ БИРЖА



Хитойда АҚШнинг Nasdaq биржасига ўхшаш юқори технологияли компаниялар акциялари билан савдо қиладиган ChiNext биржаси иш бошлади. Reuters хабарига қараганда, савдонинг биринчи куниёқ ўз котировкаларини биржага қўйган компанияларнинг акциялари баҳоси бир ярим, икки баравар ошиб кетган. Шунинг учун ҳатто савдоларни тўхтатишга тўғри келди.

Масалан, биргина Chengdu Geeya Technology компанияси акциялари 210 фоизга қимматлашган. Биржадаги бир кунлик савдо миқдори 21,91 миллиард юан (3,2 миллиард доллар)ни ташкил этди.

СУРАТГА ОЛИШ ОХИРИГА ЕТМАДИ

"Би-Би-Си» телерадиокорпорацияси ходими, 38 ёшли Антон Тернер Танзанияда "Жиддий тадқиқотлар" («Serious Explorers») кўрсатувини суратга олаётган пайтда ҳалок бўлди. Асли Қироллик армияси зобити бўлган Тернер XIX аср саёҳатчиси Давид Ливингстоннинг юрган йўллари бўйлаб саёҳатга чиққан делегацияни бошқариб бораётган эди. Йўлда кўрсатувнинг эпизодларидан бири суратга олинаётган пайтда унга фил ҳужум қилди. Врачнинг биринчи ёрдам кўрсатишига қарамай, у ҳаётдан кўз юмди.

Ушбу ташвишли воқеа туфайли кўрсатувни суратга олиш тўхтатилди ва унда иштирок этаётган етти нафар бола тезлик билан уйларига — Буюк Британияга жўнатилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЪЛИМ

ЮРТ КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОРЛИК

Ёш авлодга пухта билим бериш — шарафли вазифа. Аммо бу касб эгаларининг зиммасида миллат келажагига дахлдорлик масъулияти ҳам бор. Таълим даргоҳларида фаолият юритаётган ҳар бир ходим — хоҳ раҳбар бўлсин, хоҳ оддий ўқитувчи — юқоридаги фикрни юракдан ҳис қилсагина Ватан корига ярайдиган мутахассис кадрларни тарбиялаши мумкин.

Қарши давлат университетида ҳам ёшларга пухта билим бериш, уларни ҳар томонлама мукаммал тарзда вояга етказиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Буни дорилфунуннинг ўтган йиллар мобайнида таълим соҳасида амалга оширган самарали лойиҳалари ҳам тасдиқлаб турибди.

Биз олий таълим даргоҳининг иш фаолияти ва янги ўқув режалари билан яқиндан танишиш мақсадида университет ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муродулла НОРМУРОДОВ билан суҳбатлашдик.



— Муродулла Очилович, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим тизимида дастурилмал ҳисобланади. Сиз раҳбарлик қилаётган олий ўқув масканида бу меъёрий ҳужжатлар ижросидаги ижобий ютуқлар ҳақида тўхталсангиз.

— Мустақиллик руҳини талаба-ёшлар шуурига сингдириш, уларда миллий ғурур ғояларини қарор топтириш, пировард натижада салоҳиятли кадрларни тайёрлаш борасида университетимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумот ўрнида шуни айтиш лозимки, ҳозирги ўқув юртимиз дастлаб 1945 йилда Бухоро бирлашган педагогика ва ўқитувчилар институтининг Қарши филиали сифатида ўз фаолиятини бошлаган бўлса, 1949 йилнинг 27 октябридан икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш институтига, 1956 йилнинг августидан эса Қарши давлат педагогика институтига айлантирилган.

Президентимизнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармони билан институтимизга Қарши давлат университети деган нуфузли мақом берилди. Табиийки, дорилфунунимизда мутахассис кадрлар тайёрлаш доирасини кенгайтириш, янги ихтисосликларни ташкил этиш, кафедралар сонини ошириш, моддий-техник ўқув базасини кучайтириш илм-фан соҳасидаги тадқиқотларнинг самарали бўлишига олиб келди.

Бугунги кунда 9 та факультет мавжуд бўлиб, уларда 548 нафар профессор-ўқитувчи талабаларга турли фанлардан сабоқ бериб келишмоқда. Педагогик жамоанинг ярмидан кўпини фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари ва доцентлар ташкил этади. Айни пайтда кундузги бўлимда 6575 нафар, махсус сиртқи бўлимда эса 1283 нафар талаба таълим олмоқда. Университетимизда 30 та бакалавр таълим йўналиши ва 10 та аспирантура йўналишлари бўйича мутахассислар ҳам тайёрланади.

Таниқли олимлар ва амалиётчилар иштирокида халқаро, республика миқёсидаги илмий-амалий, ўқув-услубий конференциялар, семинарлар мунтазам тарзда ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, биргина ўтган ўқув йили мобайнида илм даргоҳимизда 8 та турли даражадаги илмий-назарий конференция ташкил этилиб, уларда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар томонидан тайёрланган мингдан ортиқ илмий маърузалар тингланди. Педагогик жамоамиз томонидан 7 та дарслик, 10 та монография, 80 тага яқин ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. 10 нафардан ошиқ аспирантларимиз номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишиб, фан номзоди илмий даражасига эга бўлишгани қалбимизга чексиз қувонч бағишлайди.

— Талабаларнинг пухта билим олишлари, бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон, танлаган соҳаси бўйича етук кадрлар бўлиб етишиши учун илм даргоҳимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир ўқув аудиториялари замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Шунингдек, талабаларни спорт ва бошқа турли маънавий-маърифий тўгаракларга жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш яхши йўлга қўйилган. Бунинг ёрқин далили сифатида — бакалавриат таълим йўналишлари бўйича нуфузли давлат стипендиялари танловининг якуний босқичида 3 нафар талабамиз Давлат стипендияси соҳиби, 3 нафари вазирлигимиз стипендияси, 2 нафари “Меҳр нури” жамғармаси, 1 нафари “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, 4 нафари касаба уюшмалари стипендиясининг совриндорлари бўлишди.

Тарих факультетининг 2-курс талабаси Нилуфар Аббосхонова Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлгани қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотган бўлса, республика фан олимпиадаларида талабаларимиздан Нуршода Омонова география фанидан 1-ўрин, Саидаббос Маҳмудов эса инглиз тили бўйича фахрли ўринлардан бирини эгаллаб, илм даргоҳимизнинг нуфузини кўтарди. Кураш бўйича 10 нафардан зиёд талабаларимиз Осиё ва Ўзбекистон чемпионатининг совриндорлари бўлишгани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

— Таълим ва тараққиётнинг ҳамнафаслигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик.

— Мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури биз учун ҳам муҳим дастуриламал бўлди. Ана шу ҳаётий дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда университетимизда таълим ва тараққиётнинг ўзаро ҳамнафаслигини таъминлаш мақсадида талайгина тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан қисқа муддатларда 10 та амалий, 2 та фундаментал лойиҳалар қўлга киритилиб, университет ҳисобига 15 миллион сўмдан ошиқ маблағ келиб тушди. Жорий йилда эса яна 32 та лойиҳа тайёрланиб, танловларга тақдим этилди.

Айни пайтда педагогик жамоамиз «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида юқори ҳосил олишга эришишда вилоят қишлоқ аҳли, деҳқон-фермерларимизга камарбаста бўлмоқда. Хусусан, университетнинг физика-математика факультети олимлари, педагог ўқитувчиларининг ҳар бири 1000 кв.дан иборат иссиқхоналар лойиҳасини тайёрлаб, вилоятнинг 28 та хўжалигига ўрнатиб бериш ташаббуси билан чиқишди.

Умуман олганда, бу борада университетимиз педагогик жамоасининг республика Фанлар академияси, «Шўртангазкимё» мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, шунингдек, Қарши ўрмон хўжалиги, “Қаршиёғ” ҳиссадорлик жамияти каби корхоналар билан ҳамкорлиги самарали кечмоқда.

Ғулом АБДИЕВ суҳбатлашди.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Фидойи касб эгаси



— Мен боламни боғчага бермоқчиман. Илтимос, гуруҳингизга қабул қилсангиз...

Тарбиячи Маҳбубахонга шу тарзда мурожаат қилди бир аёл.

— Яхши. Ҳужжатларини олиб келиб, мудира опага учрашинг, фарзандингизни албатта қабул қилади, — деди Маҳбубахон.

Ҳозир юртимизда тарбия муассасалари кўп, бироқ улар орасидан ўзига маъқулини танлаш ота-онанинг ихтиёрида, албатта.

Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги “Наврўз” номли 5- мактабгача тарбия муассасасини кўпчилик яхши билади. Боғчага Нурсулув Илёсова мудиралик қилади. Талабчан, меҳрибон ва ғамхўр аёл. Нурсулув опанинг қўлида ишлаётган тарбиячиларнинг ҳаммаси ҳам ўз ишига меҳр қўйганлардан.

1987 йилда Асака педагогика билим юртини тамомлаб қайтган Маҳбубахон Юсупова дастлаб Хўжаобод туманидаги “Пахтаой” номли мактабгача тарбия муассасасида тарбиячилик қилди. 1989 йилдан эса Нурсулув опа раҳбарлик қилаётган боғчада ишлай бошлади. Мудира опа ўшанда уни тайёрлов гуруҳига қўяр экан, болаларга бўлган муносабатини, касбининг сир-асрорини билиш даражасини обдон ўрганди. Боиси болакайлар қалбига йўл топиш осон эмас, тарбиячи муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олиш санъатини эгаллаган бўлиши керак. Мудира бошқа тарбиячилар қатори Маҳбубахоннинг машғулотларини кўп кузатди ва унинг ишларидан кўнгли тўлди. Кўплаб ота-оналарнинг ҳурматини қозонган Маҳбубахонни суҳбатга тортдик:

— Эсимда, — дейди у, — илк иш кунимда гуруҳдаги икки бола негадир тинимсиз йиғлар эди, улар юпатишларимга парво ҳам қилмасди. Ниҳоят, уларни бирма-бир бағримга босиб, ўз боламдай эркаладим, эртаклар айтдим. Эртак қаҳрамонлари ролига кириб, бутун диққатини тортдим. Болалар овунишди, сўнг ўйинга берилишди.

Агар тарбиячи болаларни ўз фарзандидай севмаса, ўз онаси каби меҳрини бермаса, улар боғчадан безиб қолиши мумкинлигини ҳамиша ёдда тутаман. Болаларни доимо банд қилиш, қизиқ-қизиқ эртаклар айтиш, турли-туман машғулотларга жалб қилиш лозимлигини ҳамиша ҳис этаман. Шунинг учун доимо ўз вазифамга астойдил киришаман. Чунки бу — касбим тақозоси, ишимнинг мазмуни.

Маҳбубахон Юсупова фаолиятини бошлаганига 23 йил тўлди. Боғчада рус тили, инглиз тили, каратэ, бадиий гимнастика, пазандачилик, каштачилик бўйича қатор тўгараклар иши намунали йўлга қўйилган. Ҳилола Тўйчиева, Қосимжон Қорабоевлар Маҳбубахоннинг шогирдлари ҳисобланиб, улар тўгараклар фаолиятини олиб боради. Бу ерда тарбияланувчилар учун жиҳозлар етарли. Кўпинча мазкур тарбия масканида туман, вилоят миқёсидаги кўргазмали семинарлар бўлиб ўтади ва ҳар гал меҳмонлар олиб борилаётган ишларга ижобий баҳо беришади.

2006-2007 ўқув йилида Халқ таълими вазирлигининг буйруғига асосан махсус дастур ишлаб чиқилди. Маҳбубахон ўз гуруҳида шу асосда иш олиб борди. 2008 йил февраль ойида эса бу ерда республика семинари ўтказилди. Унда иштирок этган Маҳбубахоннинг гуруҳидаги кичкинтойлар томонидан бажарилган машғулотлар қатнашчилар томонидан юқори баҳоланди. Бу тиниб-тинчимас тарбиячининг меҳнати Президентимиз томонидан муносиб тақдирланган. У II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланди.

— Бу фақат менга эмас, бутун жамоамизга берилган эътибор. Чунки бундай юксак мукофотга сазовор бўлишимда мен билан елкадош бўлиб ишлаётган Оязимжон Тешабоева, Муҳайё Нурматова, Марзия Ғозиева каби кўплаб ҳамкасбларимнинг ҳам хизматлари катта, — дейди Маҳбубахон. — Шогирдларимдан бири — Муҳайё Нурматова “Йил тарбиячиси — 2009” кўрик-танловида туманда биринчи, вилоятда эса 2-ўринни эгаллади. Унинг муваффақияти ҳам бутун жамоамиз самарали меҳнатининг натижасидир.

Туман марказидан анча олис бўлган Найман, Хидирша қишлоқларидан ҳам ота-оналар ўз фарзандларини мазкур боғчага олиб келишади. Болаларини тарбия масканига ўз вақтида олиб келиш, олиб кетиш учун ота-оналарда имкон топилмаслиги ҳисобга олиниб, бу ерда узоқдан қатнайдиган жажжилар ҳафта давомида яшашлари учун шароит яратилган.

— Тайёрлов гуруҳидагиларнинг ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, фанлар чуқур ўқитиладиган айрим мактабларга қабул қилинаётгани бизни қувонтиради. Бу ютуқларимизда албатта, Маҳбубахон Юсупова ва бошқа тарбиячиларимизнинг ҳиссалари катта, — дейди фахр билан Нурсулув опа.

Мудиранинг таъкидлашича, ҳар қандай ота-она боласини тарбия масканига топширар экан, фарзанди ишончли қўлларда эканига ишониб, хотиржам ишласин. Боғча ҳақида суҳбатлашганда эса дилбандининг бу ердаги ҳаёти беҳуда ўтмаётганидан кўнгли тўлсин.

Суратда: *болажон тарбиячи Маҳбубахон ЮСУПОВА тарбияланувчилар билан машғулот пайтида.*

О.СИДДИҚОВ, У.ЮСУПОВА

TURON BANK

“Турон банк”нинг хайрли ишлари

Жамият тараққиётининг мустаҳкам асослари мавжуд. Аммо хоҳ иқтисодий, хоҳ сиёсий ёки ижтимоий соҳа бўлсин, уларнинг ривожини маънавият юксалишисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, бугунги дунё давлатларини ўз чангалида ушлаб турган жаҳон молиявий инқирози — жамиятдаги ботиний қусурлар юзага қалқиб чиқадиган даврда бу муштаракликнинг аҳамияти янада яққол сезилади. Зеро, дунёда ишсизликнинг авж олишига сабаб бўлаётган, бир-бирига ёрдам қўлини чўзишдан олдин ўзи зарар кўриб қолмасликни ўйлашга мажбур этаётган иқтисодий бўҳронлар дунё мамлакатларини яна бир бор жиддий синовдан ўтказаяпти, десак янглишмаймиз.

Аммо республикамизда муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов ва ҳукуматимиз бошчилигида “Давлат бош ислоҳотчи” тамойилининг амалий кўриниши сифатида молиявий инқирознинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, жорий этилаётган кенг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар натижаси ўлароқ, мамлакатимизда унинг таъсири у қадар сезилмаяпти. Буларнинг ҳаммаси аввало, Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўзига хос, изчил, узоқни кўзлаган тўғри йўлни танлаганидан далолат беради. Бунга биргина шундай қийин вазиятда ҳам юртимиздаги молиявий муассасаларнинг барқарор фаолият юритаётгани, улар томонидан аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича қатор ибратли ишлар амалга оширилаётгани ҳам мисол бўла олади.

Юрт иқтисодиётининг ривожланишида банкларнинг муҳим ўрин эгаллаши сир эмас. ОАТ “Турон банк” қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига таянч бўлиш, шу орқали қишлоқ жойларида аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этиш борасида кўплаб эзгу тадбирларга қўл урилмоқда.

Ўрни келганда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, дунёда ҳеч бир нарса йўққи, маънавиятга бевосита ва билвосита дахлдор бўлмаса. Маънавиятдан бебаҳра инсоннинг келажаги, истиқболи бўлмайди. Худди шу маънода наинки бирор шахс, балки муайян бир ғоя, давлат ёки ўша мамлакатда фаолият юритаётган ташкилот ёки муассасаларнинг қурилиш тизими, ундаги муҳит ҳам шак-шубҳасиз маънавий мезонлар билан уйғунлашиб кетган ва энг эзгу амалларни ўзига сингдирган бўлмоғи даркор. Ҳамиша одамларнинг дарду қувончига шерик бўлиш, уларнинг маънан баркамол бўлишига ҳисса қўшишни касби тақозо этадиган шарафли вазифа деб биладиган маънавият тарғиботчилари бўлмиш журналистларга юртимизда ҳар қачонгидан-да эътибор, ғамхўрлик ошиб бормоқда. Буни биринчи навбатда Президентимизнинг соҳага бўлган ғамхўрлигидан ҳам ҳис қилиш мумкин. Ўз навбатида “Турон банк” жамоаси ҳам ўз вазифаси билан чегараланиб қолмасдан бўлажак журналистларни беминнат қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилиб келмоқда. Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида шартнома асосида ўқийдиган 10 нафар талабага тўлов-контракт пулларини тўлаб берди. Бу хайрли ёрдам Юртбошимиз томонидан енгилмас куч деб эътироф этилган — маънавиятга, шу жумладан, унинг асосий тарғиботчилари бўлмиш журналистларга қаратилаётган эътиборга ҳамоҳанг эканидан далолат беради. Бугун банк кўмагидан фойдаланиб, таълим олишни давом эттираётган талабалар бундай ҳимматдан хурсанд. Улардан баъзилари миннатдорчилик туйғуларига йўғрилган дил сўзларини шундай баён қилишди.

Нишона Исаева, ЎзМУ журналистика факультетининг талабаси:

— Болалик пайтимдан журналист бўлишни орзу қилардим. Ҳаракат ва интилишларим туфайли ўқишга шартнома асосида қабул қилиндим. Ҳозир 3-босқич талабасиман. Ота-онам нафақада. Бу йил шартнома шартини бажаришга бироз қийналаётган эдик. Аммо саховатпеша ташкилотлар оғиримизни енгил қилди. “Турон банк” барча мижозлари қаторида биз ёшларнинг муаммоларимизга ҳам ечим топиб, ёрдам қўлини чўзгани учун ғоят хурсандман. Президентимизнинг бир гаплари ёдимга тушди: “Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак”. Дарҳақиқат, барчага ўрнак бўладиган савоб ишларни мунтазам равишда амалга ошириб келаётган йирик молия муассасасининг мижозлари янада кўпаяверсин дейман.

Акбар Убайдуллаев, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси:

— Бугун қувончимнинг чеки йўқ. Сабаби юртимизнинг нуфузли молиявий муассасаларидан ҳисобланган “Турон банк”нинг бу беғараз ҳимматидан жорий йил мен ҳам баҳраманд бўлдим. Тўғриси, юртимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг нақадар юксак эканига яна бир бор амин бўлдим. Қийин вазиятда қўл чўзган инсонлар ҳар қачон азиз бўлиб келган. Фурсатдан фойдаланиб, банк жамоасига ёш авлодни моддий тарафдан қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор миннатдорчилик билдириб, келгуси режаларининг бекаму-кўст амалга ошишида муваффақият тилайман.

Шиндаулет Бесбаев, ЎзМУ журналистика факультети талабаси:

—“Турон банк”нинг фаолияти ҳақида матбуотда кўп ўқигандим. Бир қатор бўлажак журналистларга моддий жиҳатдан ёрдам бергани учун молиявий муассаса жамоасига катта раҳмат. Бундан ака-опаларим ҳам жуда хурсанд бўлдилар. Фурсатдан фойдаланиб, уларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдираман.

Алесия Фефелова, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси:

— Бу йил оилавий шароит тақозоси билан шартнома шартини ўз муддатида тўлашга қийналиб қолгандик. “Турон банк” аҳли бир неча талабалар қатори менинг ҳам контракт пулимни тўлаб берди. Бунинг учун молиявий муассаса жамоасига бутун оиламиз номидан раҳмат айтаман. Менга кўрсатилган бу ишонч зиммамдаги масъулиятни янада оширади. Келажакда етук журналист бўлиб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшаман.

Юқорида таъкидлаганимиздек, дунёнинг энг ривожланган давлатлари иқтисодиётига ҳам молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир қилаётган бир пайтда “Турон банк”нинг бу хайрли ва савобли иши албатта, ибратлидир. Зеро, маънавият эъзозланган юртда бундай хайрли ишларнинг амалга оширилиши табиийдир.

Ислом СУЛТОНОВ, “Hurriyat” мухбири.

МАЪНАВИЯТ



ТОҒЛАР ОЛИСДАН АЁН КЎРИНАДИ

Эссе

Шойим БЎТАЕВ

Охири. Бошланиши газетанинг 45-46-сонларида.

Раҳмат Жумаевнинг ҳамиша антиквар нарса-буюмларни йиғиб юрадиган одати бор эди. Бирон жойда шунақа нарсаларни кўрсаям беихтиёр кўзи ёнар, иложи бўлса қўлга киритиш пайида бўларди.

Айтилган вақтда унинг хонасига бордим.

Шукур ака шу ерда экан.

Кўришдик.

Раҳмат Жумаев илтифот билан антиквар чинни идишчаларга антиквар кумуш қошиқчалар солиб ҳаммамиз учун қаҳва тайёрлаб, олдимизга қўяркан:

— Хитой чиннисидан, — деб қўйди.

Шукур ака унга бир қаради-ю, индамади, лекин қаҳвага ҳам қўл узатмади.

Раҳмат ака магнитофон клавишини "бисмилло" деб босди.

Магнитофондан дикторнинг ўктам овози эшитилди: "Тошкентдан гапирамиз! "Бугун радиотеатрда" туркумидаги адабий-бадиий эшиттиришимизни бошлаймиз. Сизларни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг "Булут тўсган ой" ҳикояси асосида тайёрланган радиопостановкани тинглашга таклиф этамиз..."

Шундан сўнг асар воқеалари бошланишидан олдин озгина мусиқа янграй бошлаганида Шукур ака у ёқбу ёққа аланглаб:

— Чексам бўладими? — деб сўради.

Раҳмат Жумаев унинг олдига антиквар биллур култдон қўяётиб:

— Фақат сизгагина рухсат, — дея мен томонга қия қараб қўйди.

Мен ўзимни унинг сўзини эшитмаганга олдим.

Раҳмат Жумаев қимматбаҳо антиквар сигаретнинг ялтироқ қутисини очиб, қутининг ортига чертганди, икки-учта сигаретнинг бошчалари "ростлан" буйруғини эшитган аскарлардай қутидан чиқиб келди.

Раҳмат ака қутини Шукур ака томонга узатиб:

— Марҳамат, — деди.

Шукур ака бир Раҳмат акага, бир унинг қўлидаги сигарет қутисига қараб қўйди-да, пальтоси чўнтагидан ўзининг "Астра" сигаретининг қутисини чиқарркан:

— Раҳмат, — деди ва битта сигарет чиқазиб лабига қистирди.

Антиквар сигарети рад этилган Раҳмат Жумаев энди дарҳол антиквар чақмоғини Шукур аканинг тумшуғи остида ёқишга ошиқди. Чирс этган нозиккина товуш эшитилди-ю, чақмоқдан аланга кўтарилди, хайрият, Шукур ака бу гал рад этмай ундан сигаретини тутатиб олди.

Шу маҳал мусиқа тугаб, таниқли актёрлар ижросидаги "Булут тўсган ой" ҳикояси асосидаги радиопостановканинг асосий қисми бошланди.

Икки соат давомида Шукур ака миқ этмай иягини ушлаганича диққат билан қулоқ солиб ўтирди. У аҳён-аҳёнда стол устида ётган "Астра" қутисига қўл чўзар, шунда Раҳмат Жумаев ҳам чаққонлик билан антиквар чақмоғини Шукур аканинг тумшуғи остига келтириб нозиккина чирсиллаган овоз чиқаздириб алангалатарди.

Асар якунланаётганда Шукур ака қаҳвадан бир-икки ҳўплаб қўйди.

Ниҳоят, радиопостановкани эшитиб бўлдик.

Раҳмат Жумаев ўзига ишонган режиссёр бўлса-да, қандайдир ҳаяжонланаётганини ҳам билдириб қўймоқда эди.

Унинг икки кўзи Шукур акада: қани, нима деркин?

Шукур ака индамай ўрнидан турди.

"Астра" қутисини оҳиста чўнтагига соларкан:

— Мен радиодаги ишларни кўпам тушунавермайман, — деди.

Ия, бу ёғи қандай бўлди?

Қанчадан-қанча асарлари радиолаштирилган ёзувчи бу билан нима демоқчи?

Раҳмат ака менга, мен Раҳмат акага қарадик.

— Телеведениенинг ишларинаям кўп тушунмайман, — деди Шукур ака.

Назаримда, у бир нима демоқчи-ю, гапни узоқдан бошлаётганга ўхшаб кўринди.

— Лекин битта нарсани биламан, — деди Шукур ака. — Антик даврда ҳам эўр асарлар саҳнада қўйилган... Булар ҳам замонавий саҳналар-да, ўзимга бунчалик таъсир қилади деб ўйламовдим, — Шукур ака Раҳмат аканинг елкасига оҳиста қўл ташлаб, — эплабсиз, — деб қўйди.

Раҳмат Жумаевга шунинг ўзи кифоя эди.

У ҳикоянинг ўзи эўр ёзилганини, унда янгича муносабатлар ифодаланганини гапира бошлаганди, Шукур ака бу гапларни ўзига яқинлаштиришни истамаётгандек қўлини чўзиб:

— Хайр, — деди.

— Э, нималар деяпсиз? — деди Раҳмат ака қўрқиб кетгандек. — Сизни кузатиб қўйишга имкон топамиз... Шундай катта ёзувчи радиога келади-ю, катта режиссёр кузатиб қўймайдими?

Раҳмат аканинг бу гапидан Шукур аканинг юз-кўзига табассум югурди.

— Хўп, — деди қаршилик қилмай.

Раҳмат Жумаев ва Шукур ака билан қуйи қаватга тушиб, ташқарига чиқдим.

Улар иккаласи бир томонга кетишди.

Мениям таклиф этишганди, баъзи бир зарурроқдек кўринган юмушларимни баҳона қилиб, узр сўрадим.

Ортга қайтаётсам, радиога кираверишдаги эшик оғзида кимдир мени чақиргандай бўлди.

Ўгирилиб қарадим.

Уч-тўрт одим нарида Жўрабек ака деган танишимиз, шошманг, дегандек қўлини силкитиб, мен томонга тез-тез юриб келмоқда эди.

Мен тўхтадим.

Жўрабек ака етиб келди.

Қуюқ сўрашдик.

Жўрабек ака боши билан Шукур ака ва Раҳмат ака кетган томонга ишора қилиб:

— Шукур Холмирзаевмиди? — деб сўради.

— Ҳа, Шукур Холмирзаев эди.

— Сиз у кишини яхши танийсизми?

— Анча-мунча.

— Сўзингиз ўтадими?

Сал-пал ғашим келди.

— Энди у киши устоз ёзувчи бўлса, — дедим, — менинг сўзимга эмас, ўзининг фикрига суянади.

— Йўқ-йўқ, сиз нотўғри тушунманг, — деди Жўрабек ака шоша-пиша. — Мен айтмоқчийдимки... шу кишининг суҳбатларини бир олсак... бир пиёла чойга таклиф қилсак.

— Э, шунақа демайсизми?

— Шу-да.

— Чойга қаерга таклиф қилмоқчисиз?

— Уйга-да... болалар ҳам кўришсин, кейин фахрланиб юришади.

— Майли, айтиб кўраман.

— У киши нима десалар шу, — деди Жўрабек ака қувонганча.

Эртаси куни қўнғироқ қилиб Жўрабек аканинг таклифини айтгандим, Шукур ака бироз ўйлаб туриб:

— Врач дединги-а, — дея қайталаб сўради.

— Ҳа, врач, — дедим Шукур аканинг тўсатдан, йўқ боролмайман, деган гапининг олдини олиш учун, — сизнинг астойдил мухлисингиз ҳам, — деб қўшиб қўйдим.

Назаримда, Шукур ака кейинги гапимга унчалик эътибор бермади.

— Ўзингиз ҳам борасизми? — деб сўради.

— Албатта.

— Қачонга?

— Вақтини сиз белгилайсиз.

— Индинга соат бешда, бўладими?

— Хўп.

Жўрабек акага қўнғироқ қилиб, Шукур акани рози қилганим ҳақида суюнчи сўрадим.

— Машина юборайми? — деди Жўрабек ака ҳам қувонганича. — Меҳмоннинг ёнига яна кимларни чақирай? Ўн беш-йигирма кишига жой қилсам бўладими?

— Вой-бў... тўй қилаяпсизми? Кўпчиликни йиғманг, Шукур ака хокисорликни ёқтирадиган одам.

— Майли-майли, барибир беш-ўн одам йиғиладида, — деди ҳамон ўзиникини маъқуллаб Жўрабек ака. — Демак, бешда чиқсаларингиз беш яримларда етиб келарсизлар-да. Биз Чилонзор томонда турамиз, сизларда ишлайдиган Абдуқаюм уйимизни билади, айтиб қўяман, ташкил қилиб олиб келади.

— Хўп, келишдик.

Шукур ака ваъдасини аниқ бажарадиган одам эди. Ўша куни ўн дақиқа кам бешда хонамга қўнғироқ қилиб:

— Мен келдим, — деди.

Дарҳол ишни йиғиштириб пастга тушдим.

Абдуқаюм ҳам хонанда Рустам Абдуллаевнинг "Комби" деган машинасида етиб келди.

— Рустам акага торниям олинг дедим, — деди Абдуқаюм. — Зарур бўлиб қолса бир-иккита қўшиқ ҳам даврага зеб беради-да.

— Бир ўқ билан икки қуённи урибсиз-да, — дедим Рустам аканинг ҳайдовчи бўлиб келганини назарда тутиб.

Абдуқаюм қиқирлаб кулди.

Шукур акани олдинга ўтказдик.

Абдуқаюм билан мен орқада. Абдуқаюм бўйнини Рустам ака томонга чўзганча йўл кўрсатиб борди.

Жўрабек ака элбурутдан башорат қилганидек роппа-роса соат беш яримда у яшайдиган кўп қаватли уйнинг подъездига етиб келдик.

Биз машинадан тушдик.

Жўрабек ака лапанглаганича бизга пешвоз югуриб келди.

У ҳаммамиз билан бир-бир қучоқлашиб кўриша кетди. Менинг қулоғим остига эса нуқул:

— Раҳмат, раҳмат, — дер эди.

Унинг қаттиқ ҳаяжонланаётганини пайқадим.

Кенггина зал ўртасида ёнма-ён қўйилган хонтахталарга умумий қилиб дастурхон тўшалган, дастурхон устида йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди, бир сўз билан айтганда, дастурхон жуда тўкис безатилган эди.

Шукур аканинг ҳурмати учун унинг ёнига чақирилган қўни-қўшни, таниш-билиш меҳмонлар сипо бўлиб туришарди.

Улар, ўтинг, ўтинг дейишиб, Шукур акани энг тўрга ўтказишди.

Шукур акани йиғилганларга таништиришнинг ҳожати бўлмади, қолганлар аста-секин бир-бирлари билан танишиб олаверишди.

Оз-оздан ароқ ҳам қўйилди.

— Айланайин, сиз Қашқадарёдан-а? — деб сўраб қолди Шукур ака бир маҳал Жўрабек акадан.

Мезбон сифатида пойгакда чўк тушиб ўтирган Жўрабек ака саволга жавоб бериш учун "дик" этиб ўрнидан тураётганди, Шукур ака қўли билан ишора қилиб:

— Э, ўтираверинг, — деди.

Жўрабек ака негадир терлаб-пишиб жойига ўтираркан:

— Ҳа, — деганича Шукур аканинг саволига калта жавоб қайтарди.

— Врачман денг?

— Шунақа... кардиология бўйича.

— Чехов ҳам врач бўлган, Булгаков ҳам врач бўлган, — деди Шукур ака нималарнидир эслагандек бўлиб. — Чехов — эўр ёзувчи. Бу беҳуда эмасдир, а? Объект барибир инсон-да. Санъат йўлида Леонарда да Винчи пластик анотомияга ҳам асос солганидан хабарингиз борми?

— Ҳа, — деди Жўрабек ака мураккаб савол тушиб қолишидан қўрққан талабадек бошини эгиб.

— У йигирма саккизта ўликни ёриб, инсон танасидаги толаларни ўрганганидан шундай фан келиб чиққан, — давом этди Шукур ака. — Демак, санъатда ҳам аниқлик лозим экан. Толстой бобо, ҳатто, санъатда фандагидан кўра кўпроқ аниқлик керак, деб айтган. Иннайкейин, у мусиқага ҳам жиддий қараган. Қадимги Хитойда ҳар қандай одамнинг қўлига мусиқа асбобини тутқазиш ман этилган деган, санъат турлари ичида мусиқа одамни тезда йўлдан чиқаради деган...

Рустам Абдуллаев бу гапларни дарҳол ўзига олиб:

— Шукур ака, бу гапларни мумтоз мусиқага нисбатан ҳам қўллаш мумкинми? — дея илмоқли савол ташлади.

Шукур ака Рустам акага бир муддат синовчан назар ташлаб турди-да:

— "Шоҳнома"да Барбад афсонаси борлигини биласиз-а? — деб сўради.

— Биламан, — деди ишонч билан Рустам ака. — У тарихий шахс бўлган, мусиқа асбоби яратган.

— Яшанг, — дея уни мақтади Шукур ака. — Шу Барбад ҳам ўша ясаган асбобини ўнглаб чалса тингловчилар йиғлашган-а, тескарисини чалганда тингловчилар қаҳ-қаҳ отиб кулаверишган-а... Шунақамиди ёки тескарисимиди?

— Ишқилиб, шунақа-да, — деди Рустам ака майдачуйдаларига эътибор бериб ўтирмайлик дегандек.

— Ҳа, яшанг, — деди Шукур ака. — Кўраяпсизми, ўша Барбад деганингиз ҳам ўзи ясаган асбобини унақасига чалсаям, бунақасига чалсаям тингловчини экстаз ҳолатга олиб кираяпти... Бу яхшими? Ўйлаб кўриш керак.

— Меъёрида бўлса-чи? — деб сўради энди Рустам ака ўзини оқламоқчи бўлгандек.

— Албатта, меъёрида бўлгани дуруст, — деди Шукур ака. — Халқ ўзига зарурини олиши керак, лекин ўзига зарурини олар экан деб унга дуч келганини тиқиштирмаслик керак.

Шукур Холмирзаевнинг барча асарлари умумтурк адабиётининг юксак намуналари эканига шубҳа йўқ. Фақат бу асарлар туркий тилда сўзлашувчи дунё халқларига ҳали етиб бормади, етиб борса, улар ёзувчи яратган қаҳрамонлар орқали ўз уруғларини, яқинларини, қондошларини дарҳол таниб, топиб оладилар.

Шукур Холмирзаев феномени ҳали қўриқлигича очилмай турибди.

Гап унинг асарлари ҳақида илмий ишлар ёзиш-у, илмий унвонлар ёқлаб олишда ҳам эмас. Ҳамма гап уни Шахс ва Ижодкор сифатида идрок эта олишда: шундагина уни барпо этган Муҳит ва уни мутассил тўлғоққа солган Дард сир-асрорлари намоён бўлади. Унинг нималар қилганини кўпчилик билади ёки жилла қурса, шуни биламан, деб ўйлашади, лекин, энди унинг бизга нималар берганини ўйлашимиз ва мисқол-мисқоллаб ўлчаб олаверишимиз керак. Шунда у қолдирган хазинадан қўни-қўнжимиз тўлиб-тошиб кетади, бу бойлик онгу тафаккуримизни ўзгартиради, қалбимизни янгилайди, турмуш ташвишларидан эгиқ қаддимизни кўтаради, елкаларимизни юксалтиради — у сахий, унинг қолдирган мероси барчага етади, фақат хазина ёнидан билмай ўтиб кетиб қолмасангиз,бас.

Шукур Холмирзаев қолдирган улкан хазинанинг эшик-дарвозалари ҳам сон-саноқсиздир. Шундай эшиклардан бирининг тепасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган "Ўзбек характери" деган ёзувни ўқидим. Эшик ортида дунёларга тенгсиз зумраду забаржадлар, олмос-у, ёқутлар борлигини айтишди.

Ботир чўпон бир оғиз сўз айтса, улар дуввa-дуввa тўкилар экан.

Ботир чўпоннинг хотини бир оғиз бир нима деса, улар тинимсиз ёғилар экан.

Чунки уларнинг бағрида чексиз дунё бор экан...

Бу эшикдан кирганларнинг қулоғига гуё олис-олислардан келаётгандек туюлса-да, бироқ, яқингинадан шундай сўзлар ориларкан, уларни ҳайқириб айтса ҳам бўларкан, уларни шивирлаб айтса ҳам бўларкан.

Бу абадий барҳаёт инсоннинг сўзлари, бу Шукур аканинг овози эди:

"Хўш, бу ерда нимани кўрдинг, нима хулосага келдинг, деб сўрарсиз?

Мен бу ерда...оддий-жайдари, содда ўзбекнинг кенглиги, тўпорилигини кўрдим.

Ишонасизми, автобусга ўтирганимдан кейин совуқ ойнадан лайлаққорга қараб йиғлар эдим: ана шу ўзбекларнинг бағрикенглиги. учун не-не қийинчиликларга, фақирликка қарамай, феъли тор бўлмаган, ажиб-афсонавий меҳмондўстлиги инстинкт каби мавжуд қолгани учун...ичимда, ич-ичимдан қувониб йиғлардим".

Инсоният олға интилмоқда.

Дунё олға интилмоқда.

"Дон Кихот"ни ҳамон фахрланиб қўлтиқлаб юрган овруполик талаба космос орбитасига ўзининг мўъжаз кемасини юбориб, тафаккурнинг янги босқичларига кўтариларкан,бунинг учун тасаввурини бойитган боя-қиш ламанчлик Идальгодан чексиз миннатдор бўлаётганини яшириб ўтирмай дунёга жар солади.

Келажак уфқларига порлоқ кўзларини қадаб қувонаётган бизнинг бахтиёр талабамиз ҳам фақат олға боқмасдан, бир-бир ортга назар ташласа, адиб қолдирган хазинанинг сон-саноқсиз эшикларига нигоҳи тушади. У ҳам астойдил истаса бу эшиклар ортида Идальгоникидан кам бўлмаган сир-синоатлар яширинганига гувоҳ бўлса, ажабмас.

Бу хазинанинг бошқача дафиналардан фарқи шундаки, у ҳеч қачон тугамайди, ўзбек деган миллат бор экан, ҳамиша — йиллар ва асрлар оша ҳам унга бўлган эҳтиёж тобора ошгандан-ошаверади.


Жўрабек аканикида зиёфат алламаҳалгача давом этди.

PS. Эссе қисқартирилган ҳолда эълон қилинди, тўлиқ ҳолда ёзувчининг чоп этиладиган навбатдаги китобидан ўқишингиз мумкин.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

Зангиота зиёратгоҳининг сири

Бирор таниқли киши ҳақида гап кетганда, одатда сўз аввалида унинг қачон, қаерда туғилгани зикр этилади. Аммо дунёда умри сир-синоатлар билан ўтган, ҳар бир дақиқаси афсоналарга, ривоятларга менгзаладиган шундай инсонлар борки, уларнинг таржимаи ҳолини таваллуд санасидан бошлаш камлик қилади. Ислом оламида машҳур валий ва кароматгўй инсон Зангиота Ҳимматий ҳам ана шундай зотлардан ҳисобланади. Бу зотнинг номи нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросонда ҳам машҳур бўлиб, доимо эҳтиром билан тилга олинган.



Ривоят қилишларича, Зангиота туғилмасидан 500 йилча аввал Пайғамбаримиз ва унинг саҳобаларига Жаброил (а.с) жаннатдан бир товоқ хурмо олиб тушибди. Фаришта уларни расулуллоҳга узатаётганида иттифоқо битта хурмо ерга думалаб кетади. Саҳобалардан бири энгашиб уни олмоқчи бўлганда, ғойибдан "бировнинг насибасига тегма" деган овоз келади. Фақат пайғамбаримизгагина кўринадиган фаришта бунга ойдинлик киритиб: "Бир неча замонлар ўтиб, Туркистон тарафда бир ориф инсон дунёга келади, ерга думалаб тушган хурмо унинг насибасидур" дейди. Аллоҳнинг расули бу ҳодисани саҳобаларига айтадилар ва хурмони ким ўз эгасига топшира олади, деб сўрайдилар. Ҳамма сукут сақлаб қолади. Сабаби Арабистон қаерда-ю, Туркистон қаерда? Қолаверса, хурмонинг насиби қачон туғилади, буни ҳеч ким билмасди. Шунда саҳобалардан бири бўлган Арслонбоб пайғамбаримиздан омонатни қабул қилиб олади. Пайғамбаримиз вафотларидан кейин Арслонбоб Туркистонга келади ва Тошкент атрофида яшаб қолади. Ва ниҳоят етти ёшли ўспирин Аҳмад Яссавийга хурмони бериб, ўзи жон таслим қилади.

Албатта, бу каби ривоятлардаги йиллар тафовути кишиларни бироз шубҳага солиши мумкин. Аммо уларда қандайдир ҳақиқат унсурлари борлигига шубҳа йўқ. Кароматгўй валий Зангиота пайғамбаримизнинг саҳобаларидан бўлган Арслонбобнинг эвараси, Аҳмад Яссавийнинг муридларидан бири эди.

Асл исми Ойхўжа ибн Тошхўжа бўлган Зангиота XII аср охирларида Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги Зангиота маҳалласида туғилади. Вафоти барча манбаларда 1258 йил деб қайд этилган. Уни қора киши бўлгани учун "занги" деб чақиришган. Арслонбобнинг чевараси бўлган Тошхўжа ўғли Ойхўжанинг чилласи чиқиши билан Ясси шаҳрига бориб, фарзандини Яссавийнинг этагига солади. Яссавий чақалоқнинг оғзига туфлар экан, уни дуо қилди: "Илоҳим шу гўдаккинага илму маърифат ато қилгин. Солиҳ амалларни қилишида ўзинг қўллагин, токи келажакда улуғ пир бўлиб етишгай. Модомики, бу гўдаккинани бизга назр қилибдилар, бизга бахшида қилинадиган барча хайрларнинг аввалини шу гўдакка бағишлаймиз".

Алишер Навоий ҳам ўзининг "Насойимул муҳаббат" асарида "Зангиота а.р. Туркистон машойихидиндур ва кўп машойих хидмату суҳбатиға етубдур. Ва турк улусида машоҳирлардиндур. Анинг бобида ҳам кўп сўзлар мавқуфдур" деб маълумот беради.

Бу зот Тошкент атрофидаги Қовунчи қишлоғида яшаган. Машҳур валий бўлишига қарамай, одамларнинг молини боқиб, фақирликда ҳаёт кечирган. Манбаларда Зангиотанинг хотини Анбар она Хоразмшох Буғрахоннинг қизи, Ҳаким ота номи билан машҳур бўлган яна бир тасаввуфий аллома Сулаймон Боқирғонийнинг беваси бўлгани қайд этилади. Тасаввуфий ва ирфоний илмларнинг етук донишманди бўлган бу кароматгўй инсон яшаб ўтган давр юртимизда мўғуллар истилоси даврига тўғри келади. Шундай оғир даврда Зангиота ва унинг халифалари, шогирдлари Узун Ҳасан ота, Саййид ота, Садр ота, Бадр оталар халқни ватанпарварлик, қаҳрамонлик, ҳалоллик, адолат, инсоф, меҳр-шафқат, художўйлик каби энг олий ғоялар билан озиқлантириб, уларга ҳақиқат йўлини кўрсатиб турганлар. Зангиота ҳам, уларнинг завжаи муҳтарамалари Анбар она ҳам дорилбақодан, дорилфанога рихлат этгач, улар ҳоки ётган қабрлар бора-бора унутилади ва ер билан текис бўлиб кетади.

Маълумотларга кўра, Амир Темур 1397 йили кузда жангу жадаллардан бироз тин олиб, Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилишга отланади. Самарқанддан Тошкент сари юраркан, йўлда ободончилик ишларини амалга ошириб боради. Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги шайх Зайниддин бобо мақбарасини қурдиради. Ясси қишлоғига етиб келгач, Аҳмад Яссавийга мақбара қуриш ишларини бошлаб юборади. Ва энг қизиғи Ясси тупроғи ғишт учун нобоп бўлгани туфайли Самарқанддан ғишт ташиб келтиришни буюради. Ривоятларда ғиштлар қўлма-қўл узатиб турилган дейилади. Афсонанинг янада қизиқ давоми бор. Хуллас, мустаҳкам пойдевор ўрнатилади. Не ажабки, эрта тонгда турсалар, пойдевор парча-парча бўлиб ётибди. Тағин ҳаракатга тушадилар. Аммо эртаси куни ҳам бу ҳол такрорланади. Ўша кунлари Соҳибқироннинг тушига бошдан оёқ оқ ўранган киши киради ва у: "Бизга қилинадиган барча хайрларнинг аввалини Зангиотага бахшида этганмиз. Мақбарани унга қур. Битта оқ туя топиб уни қўйиб юборсанг, у Зангиотанинг қабрини кўрсатади", дейди.

Амир Темурнинг буйруғи билан оқ туя топиб, қўйиб юборилади, бир неча аскарлар ортидан кузатиб боришади. Туя қанча-қанча йўл босиб, ҳозирги Зангиота мақбараси турган жойга келиб, аста, худди таъзим қилаётгандай чўкибди. Кейин Соҳибқирон ўша ерда маҳобатли мақбара бунёд этади. 1420 йилда Мирзо Улуғбек масжидга кириш пештоқини бунёд этиб, бобосининг бу хайрли ишини давом эттиради.

(Давоми 8-бетда.)

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Шифокор тавсияси

Яхшигина иштаҳам бор. Нафсимни тийишга ҳаракат қиламан, барибир ихчамлашишнинг иложини топа олмаяпман. Шифокор "асабий булимия" бўлгансиз, деб парҳез тавсия қилган. Бу дард тўғрисида маълумот берсангиз?

Гулжаҳон ЭРМАТОВА,
уй бекаси, Жиззах вилояти.

Дарҳақиқат, мингларча касалликлар қаторида "асабий булимия" номи билан аталувчи хасталик ҳам қайд қилинган. Бу тиббий атама юнонча "булимия" сўзидан олинган. Мазкур дардга учраганлар озиқ-овқатларга муккасидан кетиш билан ажралиб турадилар. Овқат истеъмол қилишда ўзларини идора эта олмайдилар, кейинчалик ўз жисмларини "тозалашга" ҳаракат қиладилар. Бундай одамлар семириб кетишдан ўта қўрқишади. Булимия билан озорланиш асосан ўзига тўқ жамият қатламида аёллар орасида учрайди. "Асабий булимия"га учраганлар ташкунликка мойил бўладилар, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка берилишлари ҳам мумкин.

"Асабий булимия" хасталигига учраганлар фақат руҳшуносларгина қабулида бўлишлари, шифокорлар тавсия этган парҳезлар асосида даволанишлари лозим.

Маннон НАБИЕВ,
шифокор.

МАДАНИЯТ

Зангиота зиёратгоҳининг сири

(Бошланиши 7-бетда.)


Зангиота мажмуасига Анбар биби мақбараси (XV аср) ҳам киради. Мажмуанинг сўнгги қурилиш ишлари XX аср бошида Мирзо Рустам исмли саховатпеша инсон томонидан тугалланган. Шундан сўнггина бу ер росмана зиёратгоҳга айланади. Аммо бу азиз қадамжо кейинги юз йилликда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодисаларга гувоҳ бўлди. Собиқ шўролар тузуми даврида аввалига унга музей деган тамға ёпиштирилди. 1943 йили шўро ҳукумати халқаро майдондаги обрўйини хаспўшлаш учун виждон эркинлигига бироз йўл берди — Зангиота масжиди яна номигагина иш бошлади. Бироқ масжид 1945 йилда дахрийлар уйига айлантирилди. Ибодатгоҳга диннни қораловчи атеизм руҳи билан суғорилган китоблар келтирилди. Деворларга муқаддас динимизга ёт суратлар осиб ташланди... Албатта, ҳар қандай залолатнинг ҳам чегараси бор.

Жонажон мамлакатимизнинг мусаффо осмонида Истиқлол қуёши чарақлагач, Президентимиз раҳнамолигида Имом Бухорий, Нақшбандий, Ат-Термизий, Мотурудий, ал-Фарғоний, ал-Марғиноний, Қаффол Шоший каби кўплаб алломалар қабри устида бунёд этилган маданий мерослар қатори Зангиота мажмуаси ҳам қайта таъмирланди, муқаддас зиёратгоҳ тусини олди. Бугун бу табаррук инсонларнинг руҳи покини зиёрат қилгани келаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Уларнинг барчасининг тилида ва дилида шукрона: мамлакатимиз тинч бўлсин, Юртбошимиз ҳамиша омон бўлсин, юрт тараққиёти, халқимиз тотувлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида жасорат кўрсатаётган инсонларни буюк ота-боболаримизнинг руҳи қўлласин!

Отамурод ДОНИЁРОВ

ЎҚИДИНГИЗМИ?

“Мозийга назар”



Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли дейишади. Инсоният тарихнинг ибратли сабоқларидан ўрнак олиб, келажак сари қадам ташлайди. Ўрнак олади, хатоларни такрорламасликка ҳаракат қилади. Ўтмиши қадим, келажаги буюк Ватанимиз ҳам дунё тамаддунига ўзига хос ҳисса қўшган юртдир.

Бу юртда минг йиллар давомида не-не алломалар, каромати билан халқни улуғ йўлга бошлаган зотлар етишиб чиқмаган дейсиз. Аммо, афсуски, улар қолдирган бой мерос йиллар давомида хориж ва юртимиз кутубхоналарида ўз тадқиқотчиларини кутиб ётди. Истиқлол шарофати билан бу маданий бойликлар тадқиқ қилиниб, таржима қилиниб, уларнинг маънавий озиғидан буюк аждодларнинг бугунги авлодлари ҳам баҳраманд этиб борилаяпти. Тадқиқотчи Сирожхон Fозиевнинг жорий йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти томонидан нашр этилган “Мозийга назар” рисоласи ҳам ана шу қутлуғ йўлда ташланган қадам бўлди. Мазкур китобда бир қанча буюк аждодларимиз, мутафаккирларнинг ҳаёти, ижоди, ахлоқий-фалсафий қарашлари чуқур таҳлил этилган.

Маълумки, маънавият тараққиётида буюк салафлар қатори ўрин тутган, аммо собиқ совет тузумида бир-ёқлама, тор йўналишда, замонга мослаб, ўрганилган улуғ инсонлар ҳам талайгина. Масалан, Аъзам Косоний, Мажлисий, Камолиддин Биноий, Гулбаданбегим, Зайниддин Восифий, Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний, Абдураҳмон Мушфиқий, Муҳаммад Ноий Мутрибий каби зотлар ана шундай сиймолар сирасига киради. Рисола муаллифи йиллар давомида уларнинг бой меросини чуқур ўрганиб, ижодини фалсафий таҳлил қилишга ҳаракат қилган.

Китоб ҳолида нашр этилган бу илмий тадқиқот барча тарих муҳибларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Адиба УМИРОВА

Абдулла ҚОДИРИЙ:

ҚАЛАМ — ЎҚЛОҒ ЭМАС

ТАФАККУР



Абдулла Қодирий ўзбек адабиёти ва матбуотида ўзига хос ўрнига эга бўлган йирик қалб, кенг тафаккур ва ўткир қалам эгаси. Унинг ҳар бир асари ўқувчи меҳрига сазовор бўлмай қолмайди. Айниқса, “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари китобхонларга ёд бўлиб кетган, десак хато бўлмас. Қуйида эса адибнинг кичик асарларидан айрим бетакрор фикрларни ҳукмингизга ҳавола этмоқни жоиз деб билдик.

“Маним қулгуликда ишлататурган неча турлик мустаор имзо, яъни қаҳрамонларим бор: Калвак Махзум, Тошпўлат, Овсар, Думбул ва бошқалар. Агар сиз шу имзолар билан ёзилган кулгуликларни текшириб чиқсангиз, мунда асли ёзувчининг шахсини тамоман кўролмайсиз” деган эди адибнинг ўзи. Шу боис биз ҳажвий асарларни мутолаа қилмоқни ўзингизга тавсия қилиб, муаллифнинг “Ёзувчи ўз ижоди тўғрисида”, “Ўқувчи ва ёзувчиларимиз диққатига”, “Ёзишғувчиларимизга” номли публицистик мақолаларидан айрим ибратли фикрлари эътиборингизни тортади, деган ўйдамиз.

* * *

Ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиш керак. Қисман менинг бошимдан кечирганларим менинг ёзувчи бўлишимда каттагина рол ўйнаган. Ҳақиқий ёзувчи бўлишни истаган ёшларимиз ҳам дастлаб шу турмуш ичига киришлари, уни билишлари керак.

* * *

Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман. Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсам, ўша жойни аввал неча мартаба кўрган эсамда, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман. Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга(деталларга) ҳам аҳамият бераман. Масалан, мен ҳалиги ўрганмоқчи бўлган ерда қанча дарахт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қандай қушлар қайси хилда қўниб турғани ва шунга ўхшаш жуда майда нарсаларгача. Биринчи қараганда бу нарсалар ҳеч аҳамиятга молик бўлмайдиргандек кўринса ҳам, кейинроқ фойдаси тегиб қолиши жуда мумкин.

Масалан, “Ўткан кунлар”ни ёзиш чоғида Марғилонга борганимда, бир кўчадан ўта туриб, намозшом маҳалида доғ қилинаётган зиғирёғнинг ҳиди бурнимга урилди, мен буни эсда тутиб қолишга тиришдим. “Ўткан кунлар”нинг бир жойига шу кичкина детал киргизилганида, берилаётган тасвирнинг яна ҳам одам ишонарли бўлиб чиққани эсимда. Умуман, майда деталлар ўқувчида ёзувчига ишонч уйғотади.

* * *

Ҳар ким бир нарса ёзар экан, олдин виждонини тарозу қилсин-да, қалам юритсин.

* * *

Яхши билиш керакки, қалам — ўқлоғи, матбуот — кетмон бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!

Ситора ТОЖИДДИНОВА тайёрлади.

ЁШЛАР ИЖОДИ

ДУНЁ ГЎЗАЛЛИГИ СЕНДАДИР АЁЛ



Ишқи дилда куйиб, ёнган девонаман,
Бевафога кўнгил қўйиб ҳайронаман,
Эласам гар армонларим кўксим ёқар,
Севганимга бугун энди бегонаман.

Соғинганда ҳижронида кўп ёнаман,
Ойдек юзин саболардан қизғонаман,
Гулим дердим, гулюзлардан зебо эди,
Севганимга бугун энди бегонаман.

Йўлларига кўзим тикиб парвонаман,
Оромим йўқ, тунлари ҳам уйғонаман,
У ўзгага гулёр энди, дилдор энди,
Севганимга бугун наҳот бегонаман.

* * *

Умр гулзорининг чароғон нури,
Ҳаётнинг беқиёс гавҳари, дури,
Қалбимиз қўрисан, кўзимиз нури,
Дунё гўзаллиги сендадир, аёл.

Меҳрнинг бисотин сендан топаман,
Ишқ ила қўлингга гуллар тутаман,
Васлингни шеъримда мадҳ этаман,
Дунё гўзаллиги сендадир, аёл.

Шаҳло кўзларингга боққим келади,
Сой бўлиб сен томон оққим келади,
Дунёда бир сенга ёққим келади,
Дунё гўзаллиги сендадир, аёл.

Сўзласанг, сўзларинг жонимга роҳат,
Сендадир вафо-ю, сенда садоқат,
Оламда биттадир сендек малоҳат,
Дунё гўзаллиги сендадир, аёл!

Жамшид АКБАРОВ

ТУЙҒУ

Қалбимдаги туморимсан...

Ватан — юракдаги ягона куй, жаннатларга татигулик уй, чаман шакли тушган гилам, оппоқ хаёллардан-да кўркам, кўксимга қадалиб улгурган яроқ, ҳеч қачон сўнмаган ягона ардоқ, соғинганлар кўзидаги ёш, аждодлардан бизларга мерос, мадҳига куй, достон-у, шеър оз, ноннинг иси, ҳандалак иси, шинни — чойи, ҳалол ризқ-тузи, сўлим гўша, гулзор, лолалар, орзуларим ўзандан ошган, бағрида бор қутлуғим — Тошкент, ўзга юртда йўқ зарра таскин, қурмас экан қалдирғочлар ин, қалбимдаги туморимсан, ўзинг буюк — улуғимсан!

Юрак ягона, Ватан битта, она ҳам. Онам-а, унинг меҳри-муҳаббати, севинч кўз ёшлари, бағри каби иссиққина нонлари, кулгичларидан потирлаб чиққан қувончлари, қўйингки, унинг кўнгил олами асл Ватанимдир!

Нон ёпилди. Онам ёпган кичкина кулчани ҳар доимгидек шошма-пиша емоққа тутинмадим, уни олиб сафар сумкамга солдим. Онам меҳри билан ёпилган бу кулча менга нафақат онажонимни, туғилган қишлоғимни эслатиб туради.

Маъмура ЁҚУБОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат.

ЗАМОНДОШ

Архитектордан чиққан спортчи

Мусурмонқул Валиев болалигидан спорт билан шуғулланиб келсада, қурувчи-меъмор бўлишни, мазкур соҳада илмий ишлар қилишни орзу қиларди. Шунинг учун мактабни тугатгач, Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент Техника университети)нинг инженер-қурилиш факультетига ўқишга кирди. Ҳарбий хизматга бориб келгач, таълимни Тошкент архитектура ва қурилиш институтида давом эттирди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, аспирантурага ўқишга кирди.

Ишни 1996 йилда Термиз туман “Ердан фойдаланиш ва кўчмас мулк кадастри” бошқармасида кадрлар бўлими бошлиғи вазифасидан бошлаган Мусурмонқул кўп вақт ўтмай бошқарманинг бош мутахассиси ва бошлиқ лавозимларига кўтарилди. Аммо бир зум бўлсин спортни унутмади, ёшлар ўртасида спортнинг энг яхши тарғиботчисига айланди.

2008 йилда Мусурмонқул Валиев Қизириқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи директори лавозимига тайинланди. Шундан сўнг коллежнинг спорт залларида турли хил спорт мусобақалари, беллашувлар, турнирлар ўтказилиши йўлга қўйилди.

Мусурмонқул Валиевнинг ўзи ҳам бунгача 1992 йилда қўл жангги бўйича Ўзбекистон чемпиони, 1992-1993 йилларда Корея кураши “Срьн” бўйича халқаро турнирлар ғолиби, каратэ бўйича қора белбоғ соҳиби деган номга сазовор бўлганди. 2007 йил май ойида у “Jeef kune do” федерациясининг Сурхондарё вилояти бўлимини ташкил қилиб, унга раҳбарлик қила бошлади. Дастлаб федерация аъзолари сони 14 нафар бўлган бўлса, айни пайтда бу рақам 400 дан зиёд.

Дарҳақиқат, ғалабанинг ўзи келмайди. Унга эришилади. Ҳаёт ҳам худди шундай курашлардан иборат. Унда ғолиб бўлиш эса фақат жасурларга, мардларга насиб қилади.

Абди ПАРДАЕВ

СПОРТ

ЁШЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ



Россиянинг Анапа шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда ўн тўрт мамлакатдан келган ёш чарм қўлқоп эгалари ўзаро куч синашди. Мусобақада юртдошларимиз Зоҳиджон Ҳурбоев, Қобилжон Бобожонов ва Сардорбек Бегалиев биттадан кумуш медални қўлга киритишди.

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ БРОНЗА МЕДАЛИ СОҲИБИ



Вьетнамда бўлиб ўтган Ёпиқ спорт иншоотларидаги Осиё ўйинларида Ўзбекистон мини футбол терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда вакилларимиз туркманистонлик футзалчиларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Юртдошларимиздан Мақсуд Файзуллаев ва Шавкат Муҳиддиновлар рақиб дарвозасига биттадан жавобсиз гол йўллаб терма жамоамиз ғалабасига ўз ҳиссасини қўшди.

Мусобақанинг олтин медали эса Эрон терма жамоасига насиб этди. Улар ярим финалда терма жамоамизни мағлубиятга учратган таиландликларни доғда қолдиришга эришдилар.

“ПОХАНГ СТИЛЕРЗ” — ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ҒОЛИБИ

Шанба куни Токио шаҳрида Жанубий Кореянинг “Поханг Стилерз” ҳамда Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоалари ўртасида Осиё чемпионлар лигасининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Кескин курашларга бой бўлган ўйинда кореялик футболчилар 2:1 ҳисобида зафар қозондилар.

Баҳснинг биринчи бўлимида ҳар икки жамоа вакилларига ҳам дарвозаларга тўп киритиш насиб этмади. Арабистонлик футболчилар иккинчи бўлимни кескин ҳужумлар уюштириш билан бошлади ва “Поханг Стилерз” жарима майдончасида бирин-кетин хавфли вазиятларни содир этишди. Аммо ҳисобни кореяликлар очишга эришишди. Жарима тўпини қойилмақом бажарган Но Бен Жун ўз номини таблога ёздиришга муваффақ бўлди. Орадан ўн дақиқа ўтиб, кореялик футболчилар яна бир стандарт вазиятни голга айлантиришди. Бу сафар Ким Хел Гил гол муаллифи бўлди.

Шундан сўнг бошқа имконияти қолмаганини англаган «Ал-Иттиҳод» клуби вакиллари бутун жамоа бўлиб ҳужумга ўтишди. Шу зайлда улар ҳисобни қисқартиришга эришди. Рақиб дарвозасига тўпни Муҳаммад Нур киритди. Учрашувнинг қолган дақиқалари ҳам жиддалик футболчилар ташаббуси остида ўтган бўлса-да, ҳисоб ўзгармай қолди.

ЧЕМПИОН ФАОЛИЯТИНИ ЯКУНЛАДИ



Қисқа масофаларга югуриш бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони, 2004 ва 2008 йилларда ўтказилган Олимпиада ўйинлари иштирокчиси россиялик Светлана Гранковская спортдаги фаолиятини якунлаганини маълум қилди. Бу ҳақда «Весь спорт» агентлиги ахборот тарқатди.

— Августда бўлиб ўтган Россия чемпионатидан кейин нима қилишни билмай иккиланиб қолдим, — дейди ўттиз уч ёшли спортчи журналистлар билан мулоқот чоғида. — Айни пайтда жисмоний ҳолатим у даражада ёмон эмас. Машғулотларда иштирок эта оламан. Аммо эндиликда умуман бошқа ишлар билан шуғулланишни хоҳлайман. Оилам, болаларим, эгалламоқчи бўлган касбим спортдаги фаолиятимни давом эттиришдан муҳимроқ. Ҳозир психология фанини ўрганаяпман. Балки келажакда ишимни спорт психологияси соҳасида давом эттирарман. Бу ҳақда узоқ вақт ўйладим ва шундай қарорга келдим. Лекин спортга бўлган муҳаббатим чексизлигича қолаверади.

СЕРЕНА УИЛЬЯМСНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

Яқин икки ҳафта ичида америкалик теннисчи Серена Уильямс “Катта Шлем” сериясидаги кейинги мусобақаларда иштирок этиш-этмаслиги юзасидан йилнинг тўртта асосий мусобақаси раҳбарлари аниқ бир тўхтамга келади. Айни кунларда мазкур воқелик кўплаб теннис ишқибозларининг диққат марказида турибди. Бу ҳақда АҚШ теннис ассоциацияси президенти Люси Гарвин баёнот берган.

Гап шундаки, Серена Уильямс US Open-2009 теннис турнирининг ярим финалида Ким Клийстресга қарши учрашув чоғида ён ҳакамни ҳақорат қилгани учун 10 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашга маҳкум этилганди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. *ISSN* 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 9838 Буюртма — Г-1026 1 2 3 4 5